

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

«ТЕХНИКА» ФАКУЛЬТЕТИ

«УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИ» КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
факультет декани
К.Қосимов

« ____ » _____ 2012 й.

«ҲИМОЯГАҚЎЙИЛДИ
» кафедра мудири
В.Абдурахмонов

« ____ » _____ 2012 й.

**“ХОНОБОД САНОАТ ТРАНСПОРТ КОЛЛЕЖИ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ
НОТИКЛИК КОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ “**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Касб таълими” йўналиши 4-курс 1-гурух битирувчиси

Каримов Жамшид Эгамбердиевич

ИЛМИЙ РАҲБАР: _____ Хонобод саноат транспорт
коллежи директори Ж.Л. Маматов

МАСЛАҲАТЧИЛАР: _____ ассистент О.Пўлатова

_____ ассистент Ў.Орзикулов

ТАҚРИЗЧИЛАР: 1.

_____ Хонобод саноат транспорт
коллежи директори Ж.Л. Маматов

_____ Хонобод агросаноат касб-
ҳунар коллежи директори К.Сотволдиев

АНДИЖОН-2011 й.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

«Техника» факультети «Умумтехника фанлари» кафедраси
«Касб таълими» йўналиши 4-курс 1-гуруҳ

«Тасдиқлайман»
«Умумтехника фанлари»
кафедра мудири
В.Абдурахмонов

« 25 » декабрь 2012 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Каримов Жамшид

Битирув малакавий ишининг мавзуси “хонобод саноат транспорт коллежи педагогларининг нотиклик қобилиятини ривожлантириш усуллари”

1. 5-сонли 02 декабрь 2012 й. Кафедра мажлисида маъқулланган
2. Битирув малакавий ишининг топшириқ муддати: «10» май 2012 й.
3. Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар: Ўз.Р. Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, “Таълим тўғрисидаги” Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва хонобод саноат транспорт коллежининг маълумотлари
4. **Хисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган)**
 1. Нотиклик қобилиятини ривожлантиришнинг назарий асослари
 2. Хонобод саноат-транспорт коллежи педагогларининг нотиклик қобилияти ҳолати таҳлили технологияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили
 3. Хонобод саноат-транспорт коллежи педагогларининг нотиклик қобилиятини ривожлантиришни такомиллаштириш

5.Битирув малакавий ишини бўйича маслаҳатчилар

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	Кириш	асс.Ў.Орзиқулов	05.01.2012	16.01.2012
2	Нотиклик қобилиятини ривожлантиришнинг назарий асослари	асс.Ў.Орзиқулов	17.01.2012	14.02.2012
3	Хонобод саноат-транспорт коллежи педагогларининг нотиклик қобилияти ҳолати	асс.Ў.Орзиқулов	01.03.2012	03.04.2012
4	Хонобод саноат-транспорт коллежи педагогларининг нотиклик қобилиятини ривожлантиришни такомиллаштириш	асс.Ў.Орзиқулов	11.04.2012	30.04.2012
5	Хулоса	асс.Ў.Орзиқулов	02.05.2012	05.05.2012

6. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши боскичлари номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Таълимда педагогларнинг нотиклик қобилияти хақида тушунча	17.01.2012	
2	Педагоглар нотиклик қобилиятининг турлари	01.02.2012	
3	Нотиклик қобилиятини ривожлантириш усуллари	14.02.2012	
4	Коллежнинг ташкилий-педагогик фаолиятига баҳо	01.03.2012	
5	Коллеж педагогларининг нотиклик қобилияти таҳлили	14.03.2012	
6	Коллежда педагогларнинг нотиклик қобилиятини ривожлантиришда таълим технологияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили	03.04.2012	
7	Коллеж педагогларининг нотиклик қобилиятини ривожлантириш йўллари	11.04.2012	
8	Коллеж педагогларини таълим технологияларидан фойдаланиб нотиклик қобилиятини ривожлантириш истиқболлари	23.04.2012	

Битирув малакавий ишини раҳбари: Ж. Л. Маматов

(имзо)

Топшириқни бажаришга олдим: Ж.Каримов

(имзо)

Топшириқни берилган сана: 25 декабрь 2011 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“-----”-----2012 й

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

АндМИ илмий ишлар бўйича

проректор ----- М. Юсупова

Илмий-тадқиқот ишларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги ҳақида

ДАЛОЛАТНОМА

“-----”-----2012 й

Андижон шаҳри

Бизлар, Андижон машинасозлик институти “Техника” факультети “Умумтехника фанлари” кафедрасидан Ў.Орзиқулов, Каримов Ж бир томон, коллежи директори Л. Маматов иккинчи томон бўлиб, ушбу далолатномани шу ҳақида туздикки,

1. “хонобод саноат транспорт коллежи педагогларининг нотиклик қобилиятини ривожлантириш усуллари” мавзусидаги Битирув малакавий иши ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.

2. Ишланмани татбиқ этиш натижасида қуйидагиларга эришилди:

- Нотиклик қобилиятини ривожлантиришнинг назарий асослари
- Хонобод саноат-транспорт коллежи педагогларининг нотиклик қобилияти ҳолати таҳлили технологияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили
- Хонобод саноат-транспорт коллежи педагогларининг нотиклик қобилиятини ривожлантиришни такомиллаштириш

3. Томонларнинг фикрлари: Битирув малакавий ишининг илмий жиҳатлари ўрганилди, амалиётга татбиқ этиш тавсия қилинди.

Қабул қилувчи
томон вакиллари:

Л. Маматов

Топширувчи томон вакиллари:

Ў.Орзиқулов

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I-БОБ. НОТИҚЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....

1.1 Таълимда педагогларнинг нотиклик қобилияти хақида тушунча.....

1.2 Педагоглар нотиклик қобилиятининг турлари.....

1.3 Нотиклик қобилиятини ривожлантириш усуллари.....

II- БОБ .ХОНОБОД САНОАТ-ТРАНСПОРТ КОЛЛЕЖИ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ НОТИҚЛИК ҚОБИЛИЯТИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....

2.1 Коллежнинг ташкилий-педагогик фаолиятига баҳо.....

2.2 Коллеж педагогларининг нотиклик қобилияти тахлили.....

III- БОБ. ХОНОБОД САНОАТ-ТРАНСПОРТ КОЛЛЕЖИ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ НОТИҚЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....

3.1 Коллеж педагогларининг нотиклик қобилиятини ривожлантириш йўллари.....

3.2 Коллеж педагогларини таълим технологияларидан фойдаланиб нотиклик қобилиятини ривожлантириш истиқболлари.....

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

ИЛОВАЛАР.....

Кириш

« Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак - биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди »¹.

Ўтган 2011 йил ҳам мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларида янги ютуқ ва натижаларга жуда бой бўлди. Президентимиз И.А.Каримов 2012 йилнинг 19 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида ўтган йил натижаларига атрофлича тўхталиб, жорий йил вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди.

2011-2012 ўқув йилидан бошлаб барча олий таълим муассасалари битирувчиларига қатъий талаб қўйилмоқда: 1) улар замонавий компьютер ва ахборот технологияларини; 2) хорижий тиллар, айниқса, инглиз тилини мукамал билиши керак. Бу жиҳатдан ўқув дастурларини ҳар бир таълим йўналишининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш кўзда тутилган.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Албатта ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз

¹ Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 118-бет.

зиммасига олишга қодир бўлган ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир"².

Шундай кенг кўламли вазифани амалга оширишда эса "Узлуксиз таълим - давлат таълим стандартлари, умумтаълим, умумкасбий ва махсус дастурларни амалга ошириш, таълимнинг мақсадли кўрсатмаларини бажариш доирасида бой маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий анъаналарга, фан, техника ва технологияларнинг илғор ютуқларига асосланган ҳам ўқув, ҳам ўқишдан ташқари ишларда педагогик таъсир кўрсатишнинг бутун комплексдан фойдаланилган ҳолда, комил инсонни, шахсни такомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадга йўнаптирилган фаолият олиб боради"³.

Табиий равишда замонавий фан - техника ютуқларидан самарали ва унумли фойдалана олиш вазифаси педагоглар олдига ҳам қўйилгандир.

Айни вақтда республика ижтимоий ҳаётига кенг кўламли ва шиддатли тезликдаги ахборотлар оқими кириб келмокда. Ахборотларни тезкор суратда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда ўқувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Таълим –тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Узлуксиз таълим тизимида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш таълим мазмунини модернизациялаш пойдевори ҳисобланади. Хусусан, таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни фаол татбиқ

² Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш -таракқиётимизнинг муҳим омилдир. "Халқ сўзи" газетаси , 2010 йил, 8 декабрь

³ Баркамол авлод: Тарбия тизимининг масъулияти.- Т., 2006.- 7-бет

этиш, улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш таълим тизимини жаҳон стандартларига олиб чиқишнинг муҳим омилidir.

Битирув малакавий ишнинг ўрганганлик даражаси ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг мустақил факрлашини, шахсини, маданиятини, педагогик маҳоратини шакллантириш муаммолари бўйича бир қанча тадқиқод ишлари бажарилган. Хўжаев Н., Мамажонов И. Шарипов Йўлдошев Ж., Усмонов С. Саидахмедов Н. Баубекова Г.Д., Халикова Г.Т. Абдуллаева Ш. Хўжаевлар касб-ҳунар ўқувчиларини тайёрлашда ва уларнинг таълимий-тарбиявий йўналишлари бўйича илмий тадқиқод ишлари амалга оширилган.

Бу жараёни ташхис қилиш республикамиз олимларидан К.З.Зарипов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Б.Нуриддинов ишларида тадқиқ қилинган. Талабаларни мустақил нутқлашга ургатиш масалалари Б.Исроилов, М.Нишонлар тадқиқодларида ишланган.

Битирув малакавий ишнинг илмий тадқиқод ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур Битирув малакавий иш Андижон машинасозлик институти «Умумтехника фанлари» кафедрасининг 2011 – 2012 ўқув йилидаги илмий тадқиқодларни бажариш дастуридаги Битирув малакавий ишлар режасига киритилган.

Битирув малакавий ишнинг мақсади касбий маҳоратга эга бўлган ўқитувчи талабаларга профессионал таълим бериш ва тарбиялаш; мустақил ишлаш малакасини ўстириш; ўқитувчиларни мантиқий нутқлашга ўргатиш; нутқ сўзлаш, илмий мунозаралар олиб боришга ўргатиш; мустақил нутқ юритиш ва ўз нутқини ўртоқлашишга ўргатиш; ўртоқлари нутқини танқидий нуқтаи назардан баҳолашга ўргатиш; талабалар билиминини назорат қилиш ва баҳолаш кабиларни юқори савияда амалга оширишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари илмий ишнинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидагилардан иборат:

- Таълимда педагогларнинг нотиклик қобилияти хақида тушунча
- Педагоглар нотиклик қобилиятининг турлари
- Нотиклик қобилиятини ривожлантириш усуллари
- Коллежнинг ташкилий-педагогик фаолиятига баҳо

- Коллеж педагогларининг нотиклик қобилияти тахлили

- Коллежда педагогларнинг нотиклик қобилиятини ривожлантиришда таълим технологияларидан фойдаланиш ҳолати тахлили

- Коллеж педагогларининг нотиклик қобилиятини ривожлантириш йўллари

- Коллеж педагогларини таълим технологияларидан фойдаланиб нотиклик қобилиятини ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш

Битирув малакавий ишнинг олиб боришдаги объекти : Ҳонобод саноат-транспорт коллежи.

Битирув малакавий ишнинг методлари тадқиқод жараёнида анкета-сўровнома, гуруҳлаш, қиёсий тахлил, ҳаётга тадбиқ қилиш усулларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг ахборот базаси Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги: Ўқитувчиларни нотикликка ўргатишнинг психологик мезонини аниқлаш усуллари назарий ва амалий жиҳатдан асосланган.

Битирув малакавий иш натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишдаги хулоса ва тавсиялар касб – ҳунар коллежларида ўқув фаолиятларида фойдаланишлари мумкин. Ушбу усулдан фойдаланилса касб – ҳунар коллежларидаги таълим – тарбия тизимида самара бериши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва хажми. Ушбу Битирув малакавий иш - кириш, 3 боб, 7 параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзуни долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқод объекти,

предмети, тахлил қилиш услубини тадқиқоднинг илмий янгилиги, тадқиқод
натижаларини назарий ва амалий аҳамияти ўрин олган.

І БОБ НОТИҚЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Таълимда педагогларнинг нотиклик қобилияти хақида тушунча

Нотиклик қобилияти - шахснинг шундай хусусиятики, у туфайли одам нарса ва ходисалар хусусида ўз қараши ва ностандарт ечимларига эга бўлади. Масалан, конкрет предмет — ручканинг нима эканлигини ва нима мақсадда ундан фойдаланиш мумкинлигини кўпчилик билади. Бу — ёзув қуроли. лекин агар мустақил, ностандарт тафаккурга эрк берилса, унинг кўрсатгич сифатида, ёки санок таёқчаси ўрнида, ёки калтакка ўхшатиб ип ўраш мумкинлиги каби ўнлаб функцияларини айтиши мумкин. Демак, нотиклик нутқ-инсоннинг нарса ва ходисалар, жамиятда рўй бераётган ходисаларнинг мохияти хусусида ўз қарашлари бўлишини тақозо этади, унинг билиш ва англаш имкониятлари чегарасини кенгайтиради.

Хозирги буюк ислохотлар амалга оширилаётган Ўзбекистон шароитида мустақил нутқловчи ёшларнинг бўлиши давр тақозоси бўлиб, шахсий дунёқарашга эга бўлган инсонларгина жамият тараққиётини таъминловчи кўплаб лойихаларни ишлаб чиқишга қодир бўладилар. Президентимиз сиёсатининг бош омилларидан бири хам теран нутқловчи, ўз мустақил дунёқарашига эга бўлган иқтидорли шахсларни камол топтириш ва тарбиялашдир. Чунки ўзгалар нутқиға қарам бўлиш, турли биддиятлар ва ёт мафкураға эргашиш психологияси жамият маънавиятини таназзулга олиб келиши шубҳасиз. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақил нутқлаш бир қарашда шахснинг индивидуал хусусияти бўлса-да, бу хусусият жамиятда, инсонлар ўртасидаги муносабатлар мухити яхши бўлганда ривожланади. Яъни, агар кичик ёшиданоқ боланинг кўплаб берадиган «Нега?» «Нима учун?» қабилидаги саволларига ўринли жавобларнинг берилиши, ундаги шахсий нутқнинг рақбатлантирилиши, ўқитувчи томонидан у ёки бу муаммо бўйича хар бир ўқувчи нутқининг сўралиши ва ўз вақтида жавобларнинг маъқулланиши каби омиллар мусатқил нутқлашнинг шарт-шароитларидан

хисобланади. Демак, мустикал нутқлаш ижтимоий мухитга боклик қобилият экан, гурух шароитида ташкил этиладиган тўқри мулоқот ва самимий мухит, бахс ва тортишувларнинг омилкорона йўлга қўйилиши бунда катта тарбиявий ахамият касб этади.

Биз юқорида нотиклик санъати, мустикал нутқлашнинг индивидуал хусусиятлари ва ушбу жараёнга хос бўлган умумий қонуниятларни ўргандик. Лекин аслида мақсад шундайки, хар бир шахс ўзидаги тафаккур ва нутқлаш жараёнларининг ўзига хос томонини билган холда уни ўстириш йўллари билиши керак. Охирги йилларда психологларнинг ўтказган тадқиқотлари ва кузатишлари шуни кўрсатдики, нутқлаш жараёнларини гурух шароитида, дарс пайтида хам ўстириш ва бунга қисқа йўллар билан эришиш мумкин экан. Уларнинг нутқича, гурухдаги хамкорликдаги фаолият идрок ва хотиранинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиб, нутқлаш жараёнини тезлаштиради ва фаолиятни самаралироқ қилади. Айрим жуда жиддий ва мураккаб ижод дақиқаларини инобатга олмаганда, яхши ташкил этилган дарс жараёни, ундаги фаолият шакли индивидуал тафаккурнинг хам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу нарса исбот қилинганки, жамоада ишлаш кўплаб ностандарт нутқларнинг тукилиши, уларнинг ичидан энг яхшиларининг сараланиши ва янгидан янги қояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўларкан.

Ана шундай самара берувчи методикалардан бири «брейнсторминг» деб аталиб, унинг лукавий маъноси «мияни забт этиш»дир («мозговая атака» русча — «браин сторминг» ингл.). Уни ўтказиш қуйидаги тамойилларга асосланган:

1. Баъзи интеллектуал масалаларни ечишда битта ечим билан чекланиб бўлмайди ва шу мақсадда ижодий нутқловчилар гурухи ташкил этилади ва бу жараёнда «гурухий самара» бўлиши кутилади. Гурух иши тез ва оптимал қарорлар қабул қилишга қаратилган бўлади ва бунда алохида айрим индивидуал қарорларга таъсирланишга йўл қўйилмайди.

2. Гурухга шундай кимсалар киритиладики, улар бир-бирларидан нутқлаш услубларининг ноёблиги билан фарқ қиладилар. Масалан, кимдадир мантиқийлик устун, кимдир-креактив, кимдир-танқидчи ва шунга ўхшаш.

3. Гурухда шундай ижодийлик рухи бўлиши керакки, ҳар ким хоҳлаган нутқини бемалол айтаверади, у ёки бу нутқ танқид қилиниши мумкин, лекин унинг эгаси танқид қилинмайди. Бундай шароитда ўртача интеллектуал даражага эга бўлган шахс ҳам шундай нутқлар изҳор қила бошлайдики, улар алоҳида қолган пайтида сира ҳам мияга келмаган бўларди.

Бу жараён олий ўқув юртларида дарсларда ҳам қўлланилиши мумкин, фақат унинг юқоридаги тамойиллари инобатга олиниши ва гурухда ўзаро ҳамжихатлик муҳити бўлиши керак.

Мустақил нутқлаш бу фаҳмлаш, англаш, нутқ юритишдан бошланади. Англаш бирор-бир ғояни туб мазмунига тушуниб етиш. Мушоҳада - шу ғояни мантиқан талқин қилиш.

Биз энг аввало асримизнинг таниқли тилшунос олимлари Л.В.Шчебра, Г.О.Винокур, Б.В.Томашевский, В.В.Виноградов, С.И.Ожегов, А.Н.Гвоздев, А.И.Ефимов ҳамда уларнинг давомчилари В.Г.Костомаров, Л.И.Скворцов, Б.Н.Головин ва бошқаларнинг асарларидан топамиз.

Бу олимлардан айримларининг нутқларини келтириш лозим деб ўйлаймиз. С.И.Ожегов: «Нотиқлик нима? **Н о т и қ л и к** - нутқларни тил воситалари билан тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб бера олишдир. *Тўғри нутқ* деб эса ҳозирги адабий тил нормаларига риоя қилиб тузилган нутқга айтилади. Аммо юқори нутқ фақатгина нормага риоя қилишдангина иборат эмас. У янги нутқни ифодалашнинг аниқ воситасини топишдангина иборат бўлиб қолмасдан, бирмунча таъсирчан ва мақсадга мувофиқ воситаларни топа олиш укувини ҳам ўз ичига олади».

Л.И.Скворцов: «**Нотиқлик**» тушунчаси бир томондан нутқнинг адабий тил нормаларига мос келиш даражасини билдирса, иккинчи томондан

бу тушунча тилшунослик фанининг адабий тилни яна такомиллаштириш мақсадида уни нормалаш билан шуғулланувчи соҳани ҳам ифода қилади».

Хуллас, нотиклик, агар масалага лисоний нуқтаи назардан қараладиган бўлса, бу энг аввало нутқнинг тўғрилиги демакдир. Иккинчидан эса у услубий жиҳатдан силлиқ бўлиши керак, яъни яхши нутқ ноаниқликка, узундан-узоқ жумлаларга қарши бўлиши, қисқалик, аниқлик ва соддалик унинг ўлчови бўлиши лозим. Кенг маънода эса мустақил нутқлаш нутқий таъсирчанликни, ижодий ёрқинликни, ўткирлик ва ифодалилиқни билдиради.

Нотиклик муаммолари билан шуғулланиш биринчи марта Прага лингвистик тўғараги томонидан ўртага қўйилган эди. Кейинчалик бу масалани тилшуносликнинг соҳаси сифатида ўрганишга рус тилшунослигида 20-30 йилларда киришилди. Бу масала билан жиддий шуғулланиш ўзбек тилшунослигида эндигина бошланди дейиш мумкин. Бу холни ўзбек тилшунос олимлари С.Иброхимов, Қ.Хоназаров ва бошқалар 1969 йилда Тошкентда ўзбек тили мустақил нутқлашга бағишлаб ўтказилган I Республика конференциясида қилган чиқишларида ҳақли равишда таъкидлаб ўтдилар.Э.Бегматов бу нутқни ривожлантириб ёзади: «...Масаланинг бундай қўйилишидан ўзбек тилшунослигида мустақил нутқлаш муаммоси умуман ўртага қўйилмаган экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. **Нутқ одоби** деб юритиб келинган қоидаларнинг ўзиёқ, бу масаланинг кўҳна тарихга эга эканлигини кўрсатади. Қолаверса, 20-30 йилларда **тил қурилиши, тил саёҳати** деган номлар билан юритилган барча миллат халқ тиллари ривожига бевосита тадбиқ этилган улкан тадбир ва чораларнинг ўша вақтда **тил маданияти**, эндиликда **нотиклик** деб юритилаётган муаммога қанчалик алоқадорлигини белгилаш ғоят муҳимдир.

Тил қурилиши номи билан юритилган улкан лингвистик ва ижтимоий-маданий тадбирлар ўз ичига ўша давр тиллари ривожига учун энг зарурий, ҳаётий масалаларни қамраган эди. Чунончи, янги адабий тил учун диалектал базани ноқулай алифболарни бошқа илғорроқ ҳисобланган алфавит билан

алмаштириш, адабий тилнинг имловий принципларини ишлаш, имлодаги камчиликларни тугатиш, адабий тилнинг морфологик ва луғавий нормасидаги иккиланиш ва беқарорликларни илмий асосда бартараф этиш, жуда кўп халқларнинг хали деярли қўл урилмаган адабий тилларини ўрганиш ва уларнинг грамматикасини яратиш, миллатларнинг ўз она тилларида ўқув-ўқитув ишларини олиб боришларида бор имкониятларини кучфйтириш, миллий адабий тилларнинг тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш, уларнинг янги ёзувларини тузиш ва бошқалар.

Тилга олинган бу нарсаларнинг барчаси миллий адабий тилларнинг шаклланиши ва ривожини учун хизмат қилади. Бундай шаклланиш ва ривожланиш натижасида тилнинг адабий нормаларининг (орфографик, орфоэпик, фонетик, морфологик, лексик, синтактик, стилистик нормаларининг) турғунлашуви, ўсувини кўрсатади.

Масалага мана шу томондан ёндошилса, юқорида санаб ўтилган масала, тадбир ва чораларнинг ўзи мустақил нутқлаш муаммосининг таркибий қисми эканлиги равшан бўлиб қолади.

Кундалик фаолияти жонли сўз санъати билан алоқадор бўлган нотиклар, артистлар, дикторлар, талабалар ва шунинг каби касб эгаларининг мустақил фикрлаш алоҳида эътиборни талаб қилади. Бироқ, ана шу эътибор асосан қайси масалаларга кўпроқ қаратилишига келганда ўзаро тафовутли фикрлар мавжуд. Бу ҳам тасодифий эмас. Чунки, мустақил фикрлаш предмети жуда кўп масалаларни ўз ичига олувчи, сертармоқ ва мураккаб соҳадир. Шунинг учун ҳам, мустақил фикрлашга тааллуқли бўлган талабларда, мутахассисларнинг қарашларида муайян ва қатъий бир умумийлик деярли йўқ. Аниқроғи мустақил фикрлашга ҳар ким ўз мутахассислиги нуқтаи назаридан ёндашиб ҳар хил муносабатда бўлади. Шу маънода мустақил фикрлашни турлича тушуниш мавжуд:


- 1) грамматика қоидаларига риоя қилиш;
- 2) адабий талаффуз нормаларига риоя қилиш;

- 3) чиройли, адабий сўзларни саралаб гапириш;
- 4) тушунарли қилиб гапириш ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, ана шу тўрттала тушунчанинг ҳар бирида муайян ҳақиқат бор. Бироқ уларнинг ҳар бири якка ҳолда мустақил фикрлашни ташкил эта олмайди. Мисол учун тўртинчи пунктдаги даъвони, яъни тушунарли қилиб гапиришни мустақил фикрлаш деб айтувчилар даъвосини олиб кўрайлик. Тўғри, тушунарли қилиб гапириш мустақил фикрлашнинг энг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Бироқ бу тоифадфги кишилар масалан, «Хоразм халқи орасида хоразмча шевада гапирган маъқул, чунки шундай қилганда тушунарлироқ бўлади» дейдилар. Худди шундай даъвони Наманган, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент шевасида гапирувчилар ҳам кўтариб чиқишлари турган гап. Шунини айтиб ўтиш керакки, ўрта мактаб, хатто олий ўқув юртларидаги талабаларнинг асосий кўпчилиги лекцияларини ўз шеваларида ўқийдилар. Афсуски, кўпгина профессионал нотиклар ҳам шу ҳатога йўл қўядилар-буни кечириб бўлмайди.


Чунки, ҳар бир талаба, ҳар бир нотик, ҳар бир интеллигент мустақил фикрлаш тарғиботчисидир.

Кўриниб турибдики, мустақил фикрлашга бўлган қарашлар ғоят турлича ва хатто ўзаро қарама-қаршиликларга эгадир. Шундай экан мустақил фикрлашга оид аниқ қоида ва хулосаларни келтириб чиқаришнинг ўзи анчагина меҳнат, илмий тафаккур ва ижодий изланишни тақозо этади. Бунинг учун мустақил фикрлаш предметига унинг тарихий тараққиёти, ижтимоий ўрни ва диалектик, мураккаб табиатидан келиб чиқиб ёндашмоқ лозим. Маълумки, фикр ходисаси иккига бўлинади, яъни:



Демак, мустақил фикрлаш ҳақида гап кетганда энг аввал шу икки муҳим аспектнинг қай бири ҳақида фикр юритилаётганлигини, яъни гап ёзма фикр ҳақидами ёки оғзаки фикр ҳақидами аниқлаб лиш шарт.


Ёзма ва оғзаки фикр мутлақо бир-бирига ўхшаган ходиса эмас. Айни пайтда улар ўзаро диалектик алоқада. Ёзма фикр оғзаки ниткнинг муайян белгилар воситасидаги инъикоси бўлса, ҳар бир ёзма фикр оғзаки баён этилиши ҳам мумкин. Бироқ фикрнинг ана шу икки кўриниши орасида бир талай ўзига хос хусусиятлар ҳам борки, бу хол уларни ўзаро фарқлаш ҳуқуқини беради. Қолаверса, ана шу ўзига хос хусусиятлар, яъни конкрет спецификлар орқали адабий тил ва адабий талаффуз каби тушунчалар пайдо бўлади. Буни қуйидаги жадвалда акс эттириш мумкин:



Адабий қисми **АДАБИЙ ТАЛАФФУЗ** қисми **АДАБИЙ ТИЛ** қисми кор этиш мумкин эмаски, ана шу икки тушунча муайян нисбий мустақилликка эга. Айтайлик, адабий тил деганда, бирор бир тилнинг оғзаки ва ёзма кўринишидаги адабийлик тушунилса, адабий талаффуз деганда орфоэпик қоидаларга риоя қилиш даражаси тушунилади. Шундай экан, мустақил

фикрлаш масаласига ёндашаганда ҳам ана шу ўзига хосликни ҳисобга олиш шарт. Шунга кўра мустақил фикрлаш ҳам оғзаки ва ёзма мустақил фикрлаш каби аниқ кўринишларга бўлинади.

Бу классификацияни қуйидагича жадвалда акс эттириш мумкин:



Демак, мустақил фикрлаш анча сертармок, мураккаб воқелик. Мустақил фикрлаш тушунчаси тил грамматикасининг барча қонун-қоидаларини, адабий талаффуз нормаларининг мажмуасидан иборат бўлган орфоэпик қоидаларни, талаффуз масалаларини, билим, маданий савия ва ахлоқий қарашлар каби жуда кўп соҳаларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам

«мустақил фикрлаш - бу фалон нарсадир» деб конкрет таъриф бериш анча мушкул. Шунга қарамай, содда, ҳар бир конкрет вазиятда тушунарли бўлган, адабий талаффуз нормаларига мос келувчи аниқ ва равон фикрни маданиятли фикр дейиш мумкин.

Бироқ ана шу аниқлик, соддалик, тушунарлилик ходисаларининг ўзи ҳам нисбий характерга эга. Масалан, *экспроприация қилувчиларни экспроприация қилиш*, яъни ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилувчиларни ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилиш деган гап кенг халқ оmmasига тушунарли бўлмаслиги мумкин. Шундай экан юқоридаги тарзда гап тузиш, гапириш ёки лекция ўқиш маданиятданми, йўқми? Ана шундай тилда гапириш маданиятли фикрми ёки аксинчами?

Ана шундай мустақил фикрлаш ходисасига хос бўлган хусусият, яъни мустақил фикрлашнинг профессионализм билан, аниқроғи, мустақил фикрлашнинг турли соҳалар билан алоқадор бўлган хусусияти келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, мустақил фикрлашнинг ўзи, оғзаки маънода ҳам, ёзма маънода ҳам бир неча кўринишга бўлинади. Улардан энг муҳимлари:

- 1) Оммавий мустақил фикрлаш.
- 2) Профессионал мустақил фикрлаш.
- 3) Саҳна мустақил фикрлаш

Ана шу ҳар бир соҳанинг ўзи таркибан яна бир талай хусусиятларга эгаки, уларнинг ҳар бири ҳам айрим-айрим мулоҳаза юритишни тақозо этади.

Мустақил фикрлашнинг профессионализм билан алоқадор бўлган хусусияти ёки мустақил фикрлашдаги ан шу кўринишнинг табиати қандай?

Илму фаннинг ҳар бир соҳаси ўз терминологияси, тушунчаларига эга. Шунинг учун ҳам бирор субъектнинг, яъни бирор кишининг мустақил

фикрлаш даражасига баҳо беришда ана шу объектив факторни ҳисобга олиш шарт. Жумладан, агар сиёсатшунослик муаллими ёки фалсафа талабаси бўлган академик нотик ўз лекциясида юқорида келтирилган жумлани, яъни *экспроприация қилувчиларни экспроприация қилиш* деган гапни айтиш шарт бўлмаса, гарчи ҳамма учун тушунарли бўлмаса ҳам бу фикр чинакам маданиятли фикрдир. Чунки ана шу гапнинг ўзида максимал аниқлик, ихчамлик, соддалик ва илмийлик каби ғоят муҳим критерийлар мавжуд. Бордию чойхонада қариялар билан чойхўрлик қилиб ўтирибайни шу гапни ишлатса, бу ўта маданиятсизлик бўлади. Демак, мустақил фикрлаш қаерда гапириш, қай вазиятда гапириш, кимларга гапириш каби факторлар билан, яъни *гапнинг мавриди* билан ҳам узвий боғлиқ.

Демак, мустақил фикрлаш илму фаннинг турли соҳалари билан ҳам боғлиқ. Айтайлик, медицина профессори ўз студентлари орасида тўла илмий ва профессионал терминларни қўллаган ҳолда лекция ўқишга мажбур ва шундай қилиши шарт. Демак, медик бўлмаган кишиларга мутлақо тушунарли бўлмаган ҳолда, унинг фикри ғоят маданий бўлиши мумкин. Бироқ ана шу термин ва тушунчаларни ўринли-ўринсиз ишлатиб, мақтанчоқлик қилиш эса маданиятсизликдан бошқа нарса эмас.

Одатда, мустақил фикрлаш ҳақида гап кетганда тилдаги архаизм ва неологизм билан боғлиқ бўлган ходисалар ҳамини қизғин баҳсларга сабаб бўлади. Масалан, медицина ахлини *доктор* дейиш керакми, *дўхтирми*, *врачми*, *табибми*? Қаранг:

Доктор, дўхтир, врач, табиб, медицина, табобат.

Хўш, «табобат» деган сўз бўлатуриб, албатта «медицина» дейиш керакми? Ёки аксинча, ўзбек тилига киришиб, ўзлашиб кетган «медицина» сўзи ўрнига албатта «табобат» дейиш керакми?

Бундай холларда мустақил фикрлаш меъёрини яна гапнинг мавриди белгилайди, албатта. Масалан, *врачни-дўхтир* деб айтиш мумкин, албатта. Масалан, «*Дўхтир мана бу дорини тайинлади*» деб айтиш ўринли. Бироқ шу сўзнинг ўзини аслича, *доктор* тарзида ҳам талаффуз этиш мумкин. Масалан, *медицина фанлари дўхтири* эмас, балки *медицина фанлари доктори*, дейиш тўғри бўлади.

Айтайлик, *врач* ва *табиб* каби сўзларнинг ишлатилишига қайтиладиган бўлса, бунда ҳам ўша сўзлардан қайси бири маданиятлироқ даражада қўлланилиши гапирувчининг ўзига боғлиқ. Масалан: *Абу Али ибн Сино буюк табиб эди*, дейиш мумкин. Аммо *академик И.П. Павлов буюк табиб эди* дейиш эриш туюлади. Холбуки, бу иккала улуғ сиймо ҳам *табобат илмининг - медицинанинг* буюк намоёндалари бўлганлар.

Нотиклик ҳақида гапирганда, фикрнинг бир неча кўринишлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш жоиздир. Масалан,

- 1) кундалик, ҳаётий-маиший фикр;
- 2) расмий фикр;
- 3) оммавий мустақил фикрлаш ва лекторлик фикри;
- 4) махсус (талабалар учун) маъруза тили;
- 5) илмий фикр;
- 6) дипломатик фикр
- 7) диний мустақил фикрлаш;
- 8) суд нотиклиги ва ҳоказо

каби бир талай фикр кўринишларини эслатиб ўтиш мумкин. Балки бундай классификацияга ҳам эътироз билдирувчилар топилиб қолар. Бироқ ана шундай кишилар кенг омма учун мўлжалланган мустақил фикрлаш фикри билан дипломатик фикрни, кундалик ҳаётий фикр билан илмий фикрни айна бир ходиса деб тушунсалар чуқур янглишадилар, албатта. Бас, шундай экан, мустақил фикрлаш деганда, ана шу фикр кўринишларининг

ҳар бирини ўз ўрнида, ўз мавридида ва муайян маданий юксакликда қўллай олишни тушуниш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, нотиклик ғоят серқирра, мураккаб ходисадир. Шунинг учун ҳам бу соҳада ҳамма учун бир хил рецепт беришга уриниш ўринсиз. Аммо мустақил фикрлашнинг айрим умумий талаблари ҳам бор.

- 1) Мустақил фикрлашга оид қоида ва талаблар догма эмас, балки ижодий характерга эга.
- 2) Мустақил фикрлаш ғоят серқирра ва аниқ мазмунга эга бўлган бир ходисадир.
- 3) Мустақил фикрлаш ҳамма учун бир хилдаги шаблон эмас, унга ҳар бир конкрет вазият талабига кўра аниқ муносабатда бўлиш лозим.
- 4) Мустақил фикрлаш ҳар бир мустақил жамият қурувчисининг, айниқса, профессионал нотикларнинг зарурий эҳтиёжи бўлиши лозим.
- 5) Мустақил фикрлаш киши умумий маданиятининг ажралмас таркибий қисмидир.

Шунинг учун ҳар бир нотик, қолаверса ҳамма ўзининг мустақил фикрлашни мунтазам равишда юксалтириб бормоғи лозим.

1.2 Педагоглар нотиклик қобилиятининг турлари

Шарқда нотиклик санъатининг шаклланиши қадим замонлардан бошлаб ривожланган. Уша даврда нотиклик санъати воизлик деб ҳам юритилган. Шунга кўра нутқ ваъз деб, нотик воиз деб юритилган.

Қадимги Шарқ педагогикасининг ажойиб асарларидан бири «Қобуснома»да ҳам нутқ одоби ва маданияти ҳақида ибратомуз гаплар айтилган бўлиб, улар ҳозир маълум даражада аҳамиятини йўқотмаган. Бу асарнинг 6 -7 бобларида сўз одоби ҳақида нутқлар юритилган. Кайковус нотик сўзининг маъноларини ҳар томонлама ўрганган бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Сўзнинг қадри, ундан фойдаланиш, кам сўзлаб кўп маъно англантиш, равшан нутқлаш каби масалалар устида XII-XIII аср мутафаккирлари Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакийлар ҳам ибратли нутқ билдирганлар. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг машҳур «Кутадғу билиг» асарида сўзларни тўғри танлаш ва қўллаш ҳақида «Билиб сўзласа, сўз билиг саналур», - дейди. Адиб Аҳмад Югнакий ҳам сўзлаганда нутқни ўйлаб, шошмасдан тузишга, кераксиз, ярамас сўзларни ишлатмасликка, мазмундор сўзлашга чақиради. Нотўғри тузилган нутқ туфайли кейин хижолат чекиб юрмагин деб сўзловчини огоҳлантиради. («Ҳибат-ул ҳақойиқ», 78-бет).

Нутқ сўзловчи томонидан шакллантирилган матннинг ташқи кўриниши бўлиб, у фақатгина иносният ҳодисаси саналадиган, балки ҳам руҳият, ҳам нафосат ҳодисаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам яхши нутқ дейишганда айтилмоқчи бўлган мақсаднинг тингловчига тўлиқ етиб бориши, уларга маълум таъсир ўтказиши нарда тугилади. Шунга кўра , нутқ олдида муҳим талаблар қўйилади. Бу талаблар нутқнинг мантикий жиҳатдан аниқ, чиройли, мақсадга мувофиқ бўлишидир.

Нутқ маълум шарт-шароитларда амалга оширилади. Бунда жой, вақт, мавзу ва алоқа жараёнининг мақсади каби омиллар ҳам аҳамиятлидир. Шундай қилиб, нутқнинг алоқавий сифати деганда қуйидаги ҳолатларни назарда тутиш лозим бўлади:

Нутқнинг тўғрилиги. Нутқнинг тўғри бўлиши - бу унинг бош алоқавий сифати саналади. Нутқнинг тўғри тузилган бўлиши томонларнинг сўзловчи ёки тингловчининг бир-бирларини тез ва осон тушунишларини таъминлайди. Агар нутқ тўғри бўлмаса, у аниқ ҳам, мақсадга мувофиқ ҳам, мантикий ҳам бўлмайди.

«Тўғрилиқ деганда - мустақил нутқлашнинг зарур ва биринчи шарт сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган нормасига қатъий ва аниқ мувофиқ келишини, унинг талаффуз, имловий луғат ва

грамматик нормаларини эгаллашини тушуниш лозим бўлади. Демак, нутқнинг тўғри бўлиши энг аввало, унинг адабий тил нормаларига мувофиқ келишидир.

Нутқнинг тўғри бўлиши асосан икки меъёрга - урғу ва грамматик норматик нормага қаттиқ амал қилишни тақозо этади.

Институт- институтлар -институтларнинг

Янги (ҳозир) - янги (эндигина)

Мантиқий урғу ҳам маъно фарқлашда хизмат қилади.

Мен китоб ўқидим. Мен китоб ўқидим. Мен китоб ўқидим

Онасиз бола ўйнамас - онаси ёнида бўлмаган бола ўйнамайди.

Онасиз бола ўйнамас - онаси йўқ бола ўйнамайди.

А.С. Макаренко шундай дейди: «Мен «*бери кел*» сўзини 15-20 хил турда гапиришга ўрганиб олганимдан кейингина ҳақиқий маҳоратэгаси бўлиб қолдим ва ўшандан кейин бирор кимсанинг менга яқинлашмаслигидан ёки керакли нарсани сезмай қолишлигидан чўчимайдиган бўлдим.»

Нутқнинг аниқлиги. Аниқлик ҳам нутқнинг асосий сифатларидан бўлиб, яхши нутқнинг шаклланиш шароитларидан биридир. Агар тўғри нутқнинг юзага келишида фақат лисоний фактор зарурий белги сифатида қаралса, нутқнинг аниқлиги дейилганда, унинг шаклланишига хизмат қилувчи тилдан ташқарида бўлган ҳолатларни ҳам назарда тутиш лозим бўлади. Бу энг аввало, тил ва тафаккур диалектикасидир. Чунки, аниқлик дейилганда, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар билан уларнинг нутқдаги аиамаси бўлган материали ўртасидаги муносаб тушунилади.

Аниқликни «нутқ-воқелик» ва «нутқ-тафаккур» муносабати асосида белгилаш мумкин.

Аниқлик - бу сўзнинг ўзи ифодалаётган воқеликка мутлақо мос ва мувофиқ келишидир. «Аниқликни бошқача тушуниш ҳам мумкинки, бу

сўз ва унинг кўпчилик томонидан қабул қилинган маъноси ҳамда унинг нутқда қўлланиши билан мувофиқ келишидир.» Кўринадик, аниқлик нутқнинг хусусияти сифатида энг аввало тил системасидаги луғавий даража билан боғланади.

Бошқача қилибайтганда, нутқ аниқлиги атамаси остида воқелик ва унинг тилдаги ифодаси бўлган луғавий бирлик - сўз ўртасидаги ўзаро мойиллик аниқланилади.

А.Қаҳҳор тил маҳорати ҳақида: «Маъруфов Ҳакимнинг «Қаҳрамоннинг ўлими» ҳикоясида «... *Ботир белига қатор бешта **бомба** қистириб*», «*Қўлида **бомба** ушлаган ҳолда кўчага югурди*» жумлаларидаги «бомба» ва «граната» сўзини нотўғри қўллаганини» эътироф этади. Нутқини давом эттириб «... *Султон аканинг оёқларини силаганда қўлига елимга ўхшаган бир нарса ёпишганлигини сизди: **қоронғида** нима эканини билолмай қолди.* Шу ернинг ўзида «..... *Женя йигитнинг кўзига узоқ тикилиб қолди.*». Қўлга теккан қон кўринмаган **қоронғида кўз кўринадими?!**».

Аниқликни вазифавий доирасида тушуниш ҳам ўзига хос. У сўзлашув услубида вазиятга боғлиқ булади. Расмий иш қоғозлари услубида эса, аниқлик тилидаги тайёр қолип - сўз ва ибораларидан фойдаланишни тақозо этади. Илмий услубда атама ва унинг ифодаланиш аниқлиги асосий ўрин тутаяди. Публицистик ва бадиий нутқ услубида эса, сўз ва иборалар фақатгина бадиий-эстетик вазифани бажаришдан ташқари ёзувчининг масаласи ва ғоявий мақсадига мос келиши ва шунга хизмат қилиши керак.

Нутқнинг мантиқийлиги. Унинг асосий сифатлари – тўғрилиқ ва аниқлик билан чамбарчас боғлангандир. Чунки грамматик жихатдан тўғри тузилмаган нутқ ҳам, нутқни ифодалаш учун муваффақиятсиз танланган луғавий бирлик ҳам мантиқнинг бузилишига олиб келиши табиийдир.

*Даврон ака уни қўярда қўймай **чойга ўтқазди.***

*Бугун Тошкентда **ноль даража иссиқ бўлади.***

Нутқнинг мантиқийлиги дейилганда яхлит бир система асосида тузилган, нутқлар ривожиг изчил бўлган, ҳар бир сўз, ибора аниқ мақсадга мувофиқ равишда ишлатиладиган нутқ тушунилади.

Нутқнинг тозалиги. деганда, унинг адабий тилнинг лисоний, тилнинг лисоний нормасига мувофиқ келиш-келмаслиги тушунилади. Дарҳақиқат, яхши, идеал, нутқ ҳозирги ўзбек адабий тили талабларига мос ҳолда тузилган бўлиши турли хил ғайри адабий тил усулларидан холи бўлиши керак.

Нутқнинг тозалиги, унинг кераксиз сўз ва иборалардан холи бўлиши, сўзловчи ва тингловчи учун ҳам, ёзувчи ва ўқувчи учун ҳам сув ва ҳаводек зарурдир. Тил воситалари вазияти ва шароитига қараб ишлатилган, ҳеч қандай сийқа сўз ва иборасиз ҳосил қилинган нотикқина табиий ва самимий бўлади, тингловчи ва ўқувчи қалбига бориб етади.

Қўпол сўзларнинг ишлатилиши ҳам нутқимиз тозалигига салбий таъсир қилади. Оғзаки нутқда баъзан учраб турадиган сўқиниш, ҳақорат сўзлари жамиятнинг ахлоқ нормаларига мутлақо тўғри келмайдиган ходисадир. Аммо бадиий адабиётда персонажларнинг кучли ҳаяжонли ғазабланганлигини ифода этиш мақсадида дағал сўзлардан фойдаланилади.

Тилнинг тозалиги, маъно аниқлиги ва ўткирлиги учун кураш маданият қуроли учун курашишдир. Бу қурол қанчалик ўткир, қанчалик аниқ йўналтирилган бўлса, у шунчалик ғолиб бўлади. Нотик ўз ўстида тинимсиз ишлаши билан бирга нутқ жараёнида доимо уни назорат қилиб борсагина, тилга маъсулият билан ёндошсагина нутқнинг тозалигига эриша олади.

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосий оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади ва шунинг учун унинг тингловчи томонидан қабул қилишдаги руҳий вазиятни эътиборга олиш ҳам муҳимдир.

Таъсирчан нутқ деб, нутқ қурилишининг тингловчи ва ўқувчи эътибори ва қизиқишини қозонадиган хусусиятларига эга бўлган нутқ таъсирчан саналади.

Омма тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ишонтира олиш натижалар олдига қўйиладиган асосий шартлардан ҳисобланади. Бунинг учун эса мавзунини яхши билишдан ташқари, уни баён этишнинг аниқ белгиланган режаси бўлиши керак.

Нутқнинг тингловчига қандай таъсир қилишида ва уларда қандай таассурот қолдиришда, нотиқнинг нутқий жараён давомида ўзини қандай тута билиши, имо-ишоралари ҳатто кийиниши каби омилларнинг ҳам роли бор. Самимийлик, одоблилик, тингловчиларга ҳурмат билан қараш каби фазилатлар нутқнинг кишилар томонидан эътибор билан тинглашишга сабаб бўлади.

Демак, нутқ аниқ ва рағбатли бўлиши грамматик жиҳатдан тўғри тузилган бўлиши адабий талаффуз қоидаларига бўйсунуши бошдан оёқ изчил баён қилиниши лозим. Ана шундай нутққина тингловчи ва ўқувчи қалбига бориб етади. Бунинг учун эса, ёзувчидан ва омма олдида нутқ сўзловчи кишидан тинимсиз изланиш ва ўз устида ишлаш, филологик билиш ва мутасил нутқий машқ талаб қилинади.

1.3 Нотиқлик қобилиятини ривожлантириш усуллари

Нутқ техникаси иқтисодчи-педагогнинг асосий таъсирчан нутқнинг воситаси саналади.

Техника - усуллар йиғиндиси. Унинг воситаси нутқ ва муомаланинг новербаль воситалари ҳисобланади. Педагогик техника тушунчасига 2 хил группа компонентлари киради.

Биринчи группа компонентлари талаба ўзининг хулқини бошқариши билан боғлиқ: эмоцияни (ҳис-туйғуни), кайфиятни бошқариш (психик нагрузка-ижодий кайфият), ўз танасини бошқариш (мимика, пантомима). Ижтимоий, порцептив қобилиятлар, эътибор, кузатувчанлик, дикция, нутқ темпи.

Иккинчи группа компонентлари шахс ва жамоага таъсир этиш билан боғлиқ бўлиб, дидактик ва тарбиявий жараёнлар технологик томонларини очишга ёрдам беради. Дидактик ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив, кўникмаларни кўрсатиш билан боғлиқ, талаб этишнинг технологик усуллари, педагогик муомалани бошқариш жамоат ижодий ишларини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ кўникмаларни эгаллашда намоён бўлади.

Айрим тадқиқотчи педагогларнинг олиб борган изланишлари янги иш бошлаган талабаларда учрайдиган типик хатоларни очиб беради. Аввало, бундай хатолар янги иш бошлаётган талабаларда, болалар, уларнинг ота-оналари билан суҳбатда аччиғи чиққанини билдириш ёки билдирмаслик, ўзини қай вақтда босиқ тутишни билмаслик билан характерланади. Педагогик амалиёт даврида ёзган кундаликларида, бевосита суҳбат давомида, талаба ўзларининг нутқи яхши эмаслигини болалар билан мулоқотда ортиқча каттикқўллик ёки ортиқча юмшоққўнгиллик қилгани, тез гапириб юбораётгани, ўз ўзидан кўрқиш,

ўринсиз доска олдида туриб қолиш, юриш, ўтириш, туриш меъёрини, қўллари оғирлашиб, уни қаерга қўйишни билмаслигини айтишиб, бу борада маслаҳат беришни сўрайдилар. Талаба гавдасини, қўл ҳаракатларини, бошни тутишидаги номувофиқлик, уни бартараф этиш юзасидан нималар қилиш кераклигини билгиси келади.

Овозини бошқаришдаги монотонлик, нутқнинг хиссиз, маъносизлиги каби камчиликлар айтиб ўтилади. Бу каби камчиликлар

талабанинг ўқувчига самарали таъсир кўрсатишига ҳалақит беради. Бўлғуси иқтисодчи-педагогнинг ўзини бошқаришдаги бу ва бошқа камчиликларни бартараф этиш педагог мутахассислар тайёрлаш соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган жиддий масалалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодчи-педагогнинг ташқи қиёфаси.

Эмоционал ҳолатларни бошқариш. Қуйидаги саволларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.

1. Сиз доимо хотиржам ва ўзинингизни босиқ тута оласизми?
2. Кайфиятингиз?
3. Уйда ва ўқишда доимо эътиборли ва йиғинчоқмисиз?
4. Ҳис-туйғуларингизни бошқара оласизми?
5. Ўртоқларингиз ва яқинларингиз билан доимо ҳам эътиборли ва самимиймисиз?
6. Материални онгли ўзлаштирасизми?
7. Ёмон, беъмани одатларингиз борми ва улардан қутулишни хоҳлайсизми?
8. Қайси ҳолатларда ўз хулқингиз, хатти-ҳаракатингиздан норози бўлгансиз?

Агар сиз барча саволларга фақат «ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз бу сизнинг ўта хотиржамлигингиздан, ўзингизни бошқара олишингиздан, ортиқча ташвиш йўқлигидан ёки ўзингизга ортиқча баҳо бериб юборганингиздан деб ҳисобласа бўлади. Агар жавоблар салбий бўлса, у ҳолда ташвишли, ишончсизликдан, ўзингиздан қониқмаслик, ўзингизга танқидий қараётганингиздан далолат беради. Агар «ҳа» ва «йўқ» жавоблари аралаш бўлса, у ҳолда ўзинигизга танқидий қараётганингизни, камчиликларингизни кўра олишдан далолат беради. Буни ўзингизни тарбиялашда дастлабки қадам деб ҳисоблаш мумкин. Ўз-ўзинигизни бошқариш усулларида энг муҳимлари:

А) самимийлик ва келажакка ишонч;

Б) ўз хулқини назорат қилиб туриш (мушак ҳолатларини, ҳаракат тезлигини, нутқ, нафас олишни бошқариш).

В) фаолиятда ўзгариш ясаш (меҳнат терапияси, мустика терапияси, китоб терапия, қироатхонлик, юмор, турли ўйинлар).

Г) пантомима - тана, қўл ва оёқ ҳаракатлари орқали мазмун бериш, булардан энг муҳимимни ажратиб олиш, образни чизиб кўрсатишдир.

Д) мимика - ўз нутқи, ҳис-туйғусини, кайфиятини ифодалай олиш санъати ҳисобланиб, юз мускуллари ҳаракати орқали маъно ифодалаш демакдир.

Иқтисодчи-педагогнинг юзидан нутқни уқиб олиш асосий мақсад бўлибгина қолмасдан, иқтисодчи-педагог ўз нутқини нафақат бера олиши, балки уни яшира олиш кўникмасига ҳамэга бўлиши кераклигини ҳисобга олиш зарур.

Нутқ техникаси. Ўқувчилар томонидан нутқни қабул қилиш ва тушуниш, ўқитиш жараёнида эшитишнинг мураккаб томонлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, ўнга асосий ўқув соатининг қисми 1F4 дан 1F2 гача қисми сарф бўлади. Шунинг учун бу ўринда иқтисодчи-педагогнинг етук нутқи катта аҳамият касб этади. Бунинг учун бир қатор катта машқларни амалга ошириш зарур.

Нафас олиш физиологик жараён ҳисобланиб, у организмнинг ҳаёт фаолиятини таъминлайди. Шу билан бирга нутқнинг қувват захирасини ҳам бажаради. Нутқий нафас олиш - **фонацион** деб ҳам аталади. (грекча рһоно - товуш).

Машқ қилинмаган нафас олиш пульснинг ўзгаришига, юз қизариб кетишига, нафас тикилиб қолишига, босим ортиб кетишига сабабчи бўлади.

Иқтисодчи-педагог овозининг ўзига хослиги:

А) *товуш кучи товуш аппаратлари ишининг фаоллигига боғлиқ;*

Б) *товушнинг эшитувчанлик хусусияти унинг узилиш ҳолати билан боғлиқ. Иқтисодчи-педагог ўз товушини қандай масофага юбора олиши ва баланд товушни бошқара олиши билан ҳам характерланади.*

В) *товушларнинг ихчамлиги, ҳаракатчанлиги уни тез, мазмунга ва эшитувчиларга мослаб ўзгартира олишда намоён бўлади.*

Г) *диапазон (товуш ҳажми) энг баланд ва энг паст товуш чегараси.*

Д) *тембр - товуш ранг-баранглиги, тиниқлиги, унинг юмшоқлиги, илиқлиги, ўзига хослигида кўринади.*

Дикция - сўз, гап, бўғин, товушларни аниқ, ёрқин, тиниқ ифодалай олишда кўринади. Бу нутқ аппаратлари: лаб, тил, кичик тил, танглай, бўғин, товушлар узвий боғлиқлиги, мускул, бош суяк аппаратлари фаолити билан боғлиқ жараён ҳисобланади.

Энг кўп ва энг фаол нутқда: тил, лаб, танглай, кичик тил, жағларни доимо машқ қилдириб туриш керак.

Ритмика - айрим сўзлар бутун ва узоқ вақт жаранглаши, пауза нутқнинг эркинлигини темпоритм дейилади.

Нутқ тезлиги - иқтисодчи педагогнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Энг маъқул қулай темп бу бир минутда 120 та сўз айта олиш. Лекин, тажриба шуни кўрсатадики 5-6 синфларда талабалар 1 минутда 60 та, 10-11 синфларда 1 минутда 75 та сўз ишлатиши мақсадга мувофиқдир.

Лекин билимни ўзлаштириш билан бир қаторда уни ёдда сақлаш, ундан фойдаланиш, такрорлаб туриш муҳим аҳамиятга эга. Олинган билим ундан фойдаланилмаса, такрорлаб турилмаса хотирадан кўтарилади. Халқимиз бежиз айтмаган ”Такрорлаш-билимнинг онасидир” - деб, олинган билимдан фойдаланиб такрорлаб туриш, ёдда сақлаш ёки ундан фойдаланмаслик, такрорламаслик оқибатида олинган билим (фаол) актив билим захираси ёки

пассив (суст) билим захирасига айланади. Олинган ахборот филтрдан ўтгач қисқа муддат ёдда сақланади. Қисқа муддат ёдда қолган билим иккинчи филтрдан ўтгач, шу билимни ёдда сақлаш, фойдаланиш, такрорлаш туфайли актив (фаол) билим захирасига айланади. Агарда бу билимлардан фойдаланиб, такрорлаб турилмаса, пассив (суст) билим захирасига айланади ва бора-бора хотирадан кўтарилади. Билимни такрорлаш туфайли ёддан кўтарилишини олдини олиш мумкин. Булардан шундай хулоса чиқариш мумкин: талабаларнинг энг аввало, ўқув материални ўзлаштириши, ёдда қолиши учун олинган ахборотни иложи борича эшитиш ва кўриш орқалигина эмас, балки ўзи гапириши, мустақил фикр юрита олиши, ўз эришишнинг йўли семинар дарсларини турли-туман услублар орқали олиб боришдир. Айнан семинар дарсида талабалар маъруза, китоб, журнал ва ҳоказолар орқали олган ахборотлари, билимларини тушунган ҳолда гапириб бериш, уни моделлаштириш асосида синаб кўриш имкониятига эга бўлади.

Семинар дарсини ўтказишда қўлланиладиган услублар турли-туман бўлиб, у ёки бу услубни танлаш, аввало ўрганилаётган фаннинг хусусиятига; иккинчидан, эса ўтирилаётган мавзуга; учинчидан, семинар дарсида қўйилган мақсадга; тўртинчидан, танланган услубни қўллаш имкониятига боғлиқ. Ҳозирги пайтда мустақал фикрлашни ўрганишда нисбатан кенг қўлланиладиган услублардан эксперт савол-жавоб, саволлар тизимига асосланган муҳокама, семинар машғулоти режаси бўйича атрофлича суҳбат, моделлаштирувчи ўйин, доклад ва рефератларни муҳокама қилиш, масала, машқ, тест ечиш ва уларнинг натижасини муҳокама қилиш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Семинар мавзуси маъруза мавзуси билан бир хил бўлиши шарт эмас. Айрим пайтларда мавзу саволларини маърузада кўтарилса, айримларини семинарда муҳокама қилиш мумкин. Ҳозирги пайтда шундай тажриба амал қиладики, маърузада кўрилган мавзу албатта семинарда ҳам муҳокама қилинади. Лекин маълум шароитда семинар дарси ва унинг мавзусига

бошқача ёндашиш мумкин. Айтайлик, мустақил ўрганиш учун турли адабиётлар, бошқа ахборот манбалари мавжуд бўлса, семинарда мустақил ўрганилган мавзунини муҳокама қилиш мумкин. Айниқса мавзунини ўрганиш учун вақт етишмаган пайтда бундай усул қўл келади.

Нотикликни шакллантириш учун энг аввало асосий ва қўшимча адабиётларни синчковлик билан ўрганиб чиқиш зарур. Адабиётларни ўрганиш дарс жараёнида талабаларнинг диққатини қаратиш лозим бўлган масалаларни алоҳида ажратиш, мавзунини қайси усул асосида аудиторияда жонланиш, муҳокама қилиш мунозарага сабаб бўладиган саволлар қўйилганда юз беради. Натижада мавзунини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бундай саволларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Мавзунинг мазмунини ўзлаштиришни чуқурлаштиришнинг энг оддий йўли бу саволларни мураккаблаштириш ҳамда алоҳида саволлардан саволлар тизимига ўтиш орқали амалга ошириш мумкин.

Бу эса қўйилган саволларга жавоб бериш, муаммони, саволни муҳокама қилиш жараёнида вужудга келган муаммони вазиятни ўрганиб, уни ечиш имкониятини беради. Масалан, иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси нима? деган савол қўйилган. Бу ерда талаба иқтисодиёт назарияси фанининг бош муаммоси – ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси деб жавоб бериши мумкин.

Ана шу саволни бошқача саволлар тизими асосида қўйиш мумкинки, натижада талабалар қўйилган масалани чуқурроқ тушунишига олиб келади. Уни айтайлик, қуйидагича саволлар тизими асосида қўйиш мумкин: Иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси нима? Нима сабабдан бу муаммони бош муаммо деб атаймиз? Сизнингча иқтисодиётда яна қандай муаммолар бор? Ана шу саволлар тизимига жавоб бериш жараёнида талабалар уни чуқурроқ ўрганиб олишади: иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси эканлиги, унинг бош муаммо бўлишига сабаб, бу

муаммо иқтисодиётдаги барча муаммоларни ўз ичига қамраб олиши эканлигидир. Уларга мисол қилиб, бир неча муаммолар: танлаш муаммоси, ҳар бир уй хўжалиги, фирма, давлатнинг олдига қўйган мақсади ва унга эришиш муаммоси ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкинки, уларнинг барчаси ресурсларнинг чекланганлиги билан боғлиқдир. Мавзуни ўрганишни чуқурлаштиришга савол шаклини ўзгартириб, уни мураккаблаштириш нима ва уни нимага бош муаммо дейилади? Сабабини кўрсатинг, деган тарзда қўйиш мумкин. Талабаларни мавзуни у ёки бу категорияни қай даражада тушунганларини синаш ва пухтароқ тушунишлари учун жавобларини талабалар билан биргаликда муҳокама қилиш асосида мини тест ўтказиш усулини қўллаш мумкин. Семинар дарсининг талабалар томонидан билим, иқтидор, нутқ сўзлаш, бошқалар фикрига танқидий қарашни талаб этадиган услубларидан мунозара бўлиб, у мураккаб. Бундай усул билан дарс ўтиш ўқитувчидан катта тайёргарлик кўриш, маҳоратни талаб қилади. Умуман олганда семинар дарси турли услублар асосида олиб борилар экан, у қизиқарли, барча талабаларни фаол қатнашишга, демак дарсга қунт билан тайёрланиб келишга ундайди

Ўқитувчи семинар дарси ўтишга ҳозирлик кўрар экан, семинар машғулоти режасига биноан дарсни қандай, қайси услубларни қўллаб ўтказади. Қандай кўргазмали қуроллар, тарқатиладиган материаллардан фойдаланади? Аввалдан режалаштириб, зарур материалларни тайёрлаб қўйиши керак.

II- БОБ Хонобод саноат-транспорт коллежи педагогларининг нотиклик қобилияти ҳолати таҳлили

2.1 Коллежнинг ташкилий-педагогик фаолиятига баҳо

Хонобод саноат-транспорт коллежи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими Вазирлиги Андижон вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси таркибига киради.

Касб-хунар коллежи ўрта махсус, касб-хунар тузилмасини ва уни ташкил етиш тизимини, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ равишда такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил етиш чора тadbирлари тўғрисида»ги 204-сонли қарорининг 1-банди, ҳамда, Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир кўшимча чора тadbирлар" тўғрисидаги 2003 йил 29 октябрдаги 473 – қарорини ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими Марказининг 4 октябр 2005 йилдаги №219 сонли буйруғига, ҳамда Андижон вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг 2005 йилдаги буйруғига асосан ташкил этилган.

Коллеж давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими берадиган, ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган янги турдаги ўқув муассасасидир. Касб-хунар коллежида таълим кундузги шаклда амалга оширилади.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, ўзининг гербли муҳри, штампи, банкдаги ҳисоб рақами, давлат намунасидаги бланка ва бошқа реквизитларига эга.

- Касб-хунар коллежи ўз номидан шартномалар тузиши, мулкый ҳуқуқларга эга бўлиши, суд ва арбитраж органларида давогар ва жавобгар бўлиш мажбуриятларини олади.

- Хонобод саноат-транспорт коллежи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тўғрисидаги қонунлар, «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги Низом» ва ваколатли бошқарув органларининг меъёрий ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ амалга оширади.

Касб-хунар коллежида мутахассислар «Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар тақчиллиги» асосида тайёрланади.

Барча касб-хунар коллежлари сингари ўқувчилар қабул қилиш Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган шу йўналишдаги таълим муассасаларидаги, қабул комиссия ҳақидаги «Низомга» мувофиқ амалга оширилади. Касб-хунар коллежида ўқиш муддати 3 йилни ташкил этади.

Хонобод саноат-транспорт коллежининг мақсади:

- Хонобод саноат-транспорт коллежининг асосий мақсади, меҳнат бозорини ва истиқболини ҳисобга олган ҳолда, шахснинг касбий таълимга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

- Касб-хунар коллежида маданиятли, жамият ҳаётига мос келадиган, махсус ва умумтаълим дастурларини онгли равишда танлаб, ўзлаштириб, оладиган, ўзининг оила, жамият ва давлат олдидаги бурчини ҳис қиладиган комил инсонни тарбиялаш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ташкилий, психологик, педагогик ва зарур шарт-шароитлар яратиш.

Юқоридаги мақсадга эришиш йўлида қуйидаги асосий вазифалар амалга оширилади:

- эгаллаган мутахассислиги ва касби бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ёки таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом еттириш ҳуқуқини берадиган Давлат таълим стандартлари доирасидаги умумтаълим ва касбий дастур асосида ўқитиш;

- танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисос малакаларини ривожлантириш;
- фан ва ишлаб чиқаришни самарали интеграциялашувини таъминлаш;
- таълим жафаёнини ахборотлаштириш замонавий технологиялар билан таъминлаш, ўқитишни компьютерлаштириш;
- Республика иқтисодиётининг малакали кичик мутахассис кадрларига бўлган эҳтиёжини қондириш;
- бозор иқтисодиёти талаблари асосида ёшларни касбларга ўргатиш бўйича руллик курслар ташкил етиш;
- Ватанпарварликни шакллантирувчи миллий ўзлигини англаш халқнинг миллий ва маданий, тарихий анъаналарига, Ватан билан ғурурланиш имконини яратиш;
- Соғлом турмуш тарзи меъёрларини тадбиқ қилиш, таълим-тарбия жараёнини соғломлаштириш учун шароит яратиш;

Коллежга умумий ўрта маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи йигит ва қизлар, шу жумладан чет эл фуқаролари давлатлараро битимларга мувофиқ қабул қилинадилар;

- Коллежга ўқувчилар қабул қилиш, умумий ўрта таълим негизида мактабларнинг 9-синф битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси ва умумий ўрта таълимни тугатишда улар томонидан рейтинг кўрсаткичлари натижалари бўйича, уларнинг ўқиш йўналишларини ихтиёрий равишда танлашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

- қабул қилиш чоғида ўқувчига унинг қобилиятини, касб-ҳунарга иштиёқини ва қизиқишини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш ва психологик ҳудудий ташҳис марказлари томонидан берилган тавсияномалар ҳисобга олинади;

- Коллежга ўқувчиларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази томонидан ишлаб чиқиладиган «Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар

коллежларига ўқувчилар қабул қилиш тартиб ва қоидалари»га мувофиқ амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўқишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ҳамда чет ел фуқаролари касб-хунар коллежи ўқувчиси ҳисобланади.

Ўқувчиларга намунадаги ўқувчилик гувоҳномаси ва ўзлаштириш дафтарчаси берилади.

Касб-хунар коллежида таълим олувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- фан ва техника ҳамда замонавий маданиятнинг ривожланишигиз мос билимларни олиш;
- ўқув режаси доирасида мутахассисликни танлаш;
- таълим тарбия жараёнида белгиланган тадбирларни ўтказишда хона ва ўқув хоналари, лаборатория ва устахоналарнинг жиҳозлари кутубхона, спорт иншоотлари ва таълим муассасасининг бошқа тармоқларидан бепул фойдаланиш;
- Касб-хунар коллежининг ижодий ва ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашиш;
- ўқувчи ёки ташкилот томонидан тўлов эвазига мазкур ихтисослигининг ўқув режаси даражасидан ташқари фанлар бўйича билим олиш.

- Касб-хунар коллежи ўқувчилари ўқув режаси ва дастурларида белгиланган билимларни эгаллашлари, топшириқларни ўз вақтида сифатли бажаришлари, коллежнинг ички тартиб-қоидаларига амал қилишлари шарт акс холда мазкур уставда кўрсатилган шартларни бузгаан ўқувчиларга нисбатан интизомий чоралар кўрилади.

-Касб-хунар коллежи ўқувчилари ўқишда эришган ютуқлари, ўқув ишлаб чиқариш, ижодий фаолият ва таълим муассасасининг бошқа ишларида фаол қатнашганликлари учун моддий ва маънавий рағбатлантириладилар.

Касб-хунар коллежида таълим бериш “Таълим тўғрисида”ги қонунда белгиланган тамойиллар асосида амалга оширилади;

- таълимнинг демократлашуви давлат таълими дастурлари доирасидаги таълим-тарбия услубларини танлашда ўқув юртининг мустақиллиги;
- таълимнинг инсонпарварлашуви-инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларнинг қондирилиши, миллий ва умумбашарий кадриятлар устиворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатларини уйғунлашуви;
- таълимнинг ижтимоийлашуви-таълим олувчиларда эстетик бой дунё қарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;
- таълимни миллий йўналтирилганлиги-таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари биан узвий боғлиқлиги, Ўзбекистон халқларининг маънавиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;
- таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;
- иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва маҳсус билимлар олишлари учун шарт-шароитлар яратиш;
- умумтаълим ва касбий тайёргарликнинг боғлиқлиги ва изчиллиги;

Таълимнинг мазмуни Давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқарилган наъмунавий ўқув режаларига кўра олиб борилади.

Касб-ҳунар коллежида умумтаълим ва касб-ҳунар дастурлари уч курсда амалга оширилади.

- ўқувчилар ўқув курслари бўйича, гуруҳларга ўқиш йўналишлари бўйича бўлимларга бирлаштирилади;
- ўқувчилар учун камида 10 ҳафта, кўпи билан 12 ҳафта давом этадиган таътиллار берилади.

Ўқув гуруҳларида ўқувчилар сони 30 нафарни ташкил қилади.

- Лаборатория ишлари, амалий машғулотлар, курс иши лойиҳаларини бажаришда ва ўқув режасида кўрсатилган айрим фанларни ўқитишда гуруҳлар 15 кишидан кам бўлмаган кичик гуруҳларга бўлинади.

Касб-ҳунар коллежида дарсларнинг давом этиш муддати, гуруҳларнинг тўлдирилиши, ўқувчиларнинг ўқув юкмаси ҳамда ўқув тарбия жараёнини мақбуллаштиришнинг бошқа масалалари ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими давлат таълими стандартига мувофиқ белгиланади.

Касб-ҳунар коллежининг ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш учун иш жойлари билан таъминланади. Ўқувчиларнинг амалиёти шартномалар асосида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳамда коллежнинг ўқув ишлаб чиқариш йўналишларида ўтказилади.

Ўқув йилининг бошланиши, тугалланиши, ҳафталик юклама, таътилларнинг муддати, шунингдек ўқув жараёнини яқунлаш шакллари ва касбий амалиёт турлари тасарруфдаги ташкилотлар билан келишилган ҳолда Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлиги, ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими Маркази томонидан тасдиқланган ўқув режалари асосида белгиланади.

Ўқувчиларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини баҳолаш рейтинг тизими асосида амалга оширилади. Ўқитиш сифати в даражасининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат тартиботлари ўтказилади.

жорий назорат (ЖН) - оғзаки сўровлар, семинарлар, ёзма ишлар лаборатория ишлари, уй вазифалари, тестлар ва шу каби сўров шакллар орқали амалга оширилади;

оралиқ назорат (ОН) - фаннинг маълум бир қисми, бўлимлар яқунлангандан сўнг ўтказилади. Оралиқ назоратини ўтказиш тартиби шакли тегишли кафедралар томонидан белгиланади.

яқуний назорат (ЯН) - семестр тамом бўлганидан кейин амалга оширилади, яқуний назоратини ўтказиш тартиби ва шакли илмий-педагогик кенгаш томонидан белгиланади.

Ҳар бир курсда ўқиш тугаганидан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра ўқувчилар кейинги курсга ўтказилади. Ўқувчиларни курсдан-курсга ўтказиш касб-ҳунар коллежи директорининг буйруғи билан амалга оширилади. Шартли равишда ўтказишларга йўл қўйилмайди.

• Бошқа таълим муассасаларидан ўқувчиларни коллежга ўқишини кўчириш ёки коллеж ўқувчиларини ўқишини бошқа таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маълум таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Касб-ҳунар коллежида ҳозирги давр талабига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашда таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан ўзаро ҳамкорлиги асосида;

- Янги ахборот ва педагогик технологияларни ўзлаштириш учун тажриба майдончаларини ташкил этиш орқали илмий тадқиқотларни ўқув тарбия жараёнига тадбиқ этиш;

- Ўқитишни корхоналардаги унумли меҳнат билан бирлаштириш асосида кадрлар тайёрлаш ва уларни тарбиялашнинг икки томонлама тизимини ривожлантириш қўшимча ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, ишлаб чиқариш амалиёти устаси учун ўқувчиларни иш ўринлари билан таъминлаш;

- ўқув юртини замонавий асбоб-ускуналар, аппаратлар ва анжомлар билан жиҳозлаш, ўқувчиларга тегишли васий ва олий таълим муассасасининг ўқув моддий базасидан фойдаланиш имконини бериш;

- таълим олувчиларнинг меҳнат фаолиятига, товар-маҳсулот чиқарган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнига фаол киришишлари учун шароитлар яратиш;

- илғор технологиялар соҳаси учун педагогларни бевосита ишлаб чиқаришга таёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўли билан амалга ошириш.

Касб-хунар коллежи битирувчиларга ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги давлат наъмунасидаги диплом берилади. Келгусида хоҳлаган йўналишлари бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади.

Касб-хунар коллежида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига тегишли маълумотга, касб-хунар тайёргарлиги ҳамда юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар эгадирлар.

- Суд ҳукмига кўра педагогик фаолият билан шуғулланишдан маҳрум этилган шахсларга таълим ва тарбия беришга рухсат берилмайди.

-Касб-хунар коллежига ўқитувчиларни ва муҳандис педагогларни ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади. Соатбай тарзида ишловчи ўқитувчилар директорнинг буйруғи билан ишга тайинланади, фақатгина 1 йил муддатга рухсат этилади. Келгусида қайта буйруқдан ўтиши шарт.

Хонобод саноат-транспорт коллежининг ўқитувчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-Касб-хунар коллежининг лабораториялари, ўқув хоналари, ўқув зал, кутубхона ва бошқа ўқув ёрдамчи муассасалари ҳамда спорт база, иншоатларидан фойдаланиш мумкин

-педагогика кенгаши, йиғилишлар, конференцияда коллежни ҳамда уни бўлинмалари фаолиятининг асосий масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш ва ўзининг таклифларини ўқув юрти маъмуриятига тақдим қилиш ҳаққи;

-ўз-ўзини бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга;

-ўқув юрти маъмурияти ва бошқарув органлари томонидан уларни ишини назорат қилиш ва яқунларини таҳлил қилишда шахсан иштирок этишлари шарт;

-тадқиқот-конструкторлик ишини олиб бориш ва унинг натижаларини қўллашда қатнашиши учун чегара йўқ;

-ўқув машғулотларини олиб боришнинг шаклларини, ўқувчиларга таълим ва тарбия беришнинг услуб ва воситаларини мустақил белгилайди;

-бошқа таълим муассасаларининг ўқитувчилари билан тажриба алмашиш.

Касб-ҳунар коллежида ўз-ўзини бошқаришни олий органи бўлиб илмий педагогик кенгаш ҳисобланади ва куйидаги вазифаларни бажаради.

таълим-тарбия жараёни мазмунини, Республиканинг ижтимоий иқтисодий тараққиёти истиқболлари, фан ва техника, замонавий технологияларни ўқув тарбиявий жараёнига қўллашдан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш;

таълим беришда ўқитишнинг самарали усулларини қўллаш, амалдаги ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, мутахассисларга бўлган талабни ўрганган ҳолда коллежда малакали мутахассисликларни тайёрлаш дастурини ва унинг бажарилишини доимий муҳокама қилиб бориш;

-ўқув юртида услубий ишлар фанлар уюшмаларининг фаолияти, услубий йиғилишлар, семинарлар ва педагогик конференциялар ўтказишни ташкил этиш;

-ўқув режа ва дастурларнинг бажарилишини ўқитилаётган дарсларнинг сифати, фанлар бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини таҳлил қилиш;

-гуруҳларда ўқув-тарбиявий ишларни ҳолати тўғрисида ўқитувчи ва амалиёт ўқитувчиларининг ҳисоботини эшитиш ва таҳлил қилиш;

-фан кафедралари, уюшмалари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

-Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-ишлаб-чиқариш таълими ва амалиётини ташкил этиш ҳақида таълим муассасаси ва ташкилотлар ходимларининг ахборотини эшитиш;

-ўқув йили якунлари бўйича ўқувчиларни курсдан-курсга ўтказиш масалаларини кўриб чиқиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш,

фанлардан саёз ўзлаштирувчи ўқувчиларни билим савиясини кўтариш чораларини ишлаб чиқиш;

-коллежни бошқарув тузилмасига илмий асосланган ҳолда ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар бериш;

-педагог, муҳандис-педагогларни иш фаолияти, давлат аттестацияси натижаларига қараб, давлат ва ҳукумат мукофотларига ҳамда бир тоифадан иккинчи тоифага ёки уларни педагогик фаолиятдан четлаштиришга тавсия етиш;

-ўқувчи талабаларни рағбатлантириш, уларни ўқув муассасасидан четлаштириш бўйича тавсия етиш;

-коллеж ўқитувчи, муҳандис педагоглари томонидан тайёрланган илмий услубий, ўқув қўлланмаларини долзарблигини ўрганиб чиққан ҳолда, махсус илмий ва услубий кенгашларга уларнинг мавзуларини тасдиқланган ҳолатда нашр этиш ёки ҳимоя қилиш учун тавсия бериш;

-якуний назорат ва Давлат аттестациясини юқори даражада ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш;

-коллежнинг ўқув тарбиявий, ўқув-амалиёт ишлари ва истиқбол режаларини, унинг ўқув, амалиёти моддий базасини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилиш ва уларни яхшилаш чораларини кўриш;

-қабул комиссиясини ҳисоботини эшитиш ва уни таҳлил қилиш;

-коллеж битирувчиларини коллеждан кейинги фаолиятини таҳлил қилиш;

-бюджетдан ташқари топилган маблағлар сарф ҳаражат ҳисоботларини кўриб чиқиш;

-таълим муассасаларини молия ва ҳўжалик ишлари билан боғлиқ муассасаларинин ва мавжуд муаммоларини хал етиш;

-ўқувчиларни соғломлаштириш, спорт ва ёшларни чақирикқача тайёргарлигига оид давлат дасрурларини бажариш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш ва тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш;

-ўқувчиларнинг ўқиши, яшаши ва маданий дам олишлари учун яратилган шароитларини яхшилаш борасидаги вазифаларини ҳал этишга ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш йўлларини ривожлантириш;

-ёш ўқитувчиларнинг иш фаолиятини ўрганиш, уларга зарур услубий ёрдам кўрсатиш, ходимларнинг малака ошириш масалаларини ҳал этиш;

Касб-ҳунар коллежида васийларни ижро етувчи ҳокимият маҳаллий органлари, Вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва корхоналар, жамоат ташкилотлари, жамғармаларнинг вакилларини ўз ичига олувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва ўқув юрти уставига мувофиқ иш олиб боровчи жамоатчилик органлари (васийлик кенгашлари) тузилиши мумкин.

Хонобод саноат-транспорт коллежининг ўқувчилари, ўқитувчилари маъмурий ва ўқув-ёрдамчи ходимлари бирлаштирувчи жамоат ташкилотлари ўзларининг низомлари асосида фаолият кўрсатадилар.

Жамоат ташкилотлари ўқувчиларга таълим бериш, тарбиялаш ва маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қатнашадилар. Жамоат ташкилотларининг вакиллари педагогик кенгаш ишига қабул комиссияси, ўқув юртини тамомлаганларни ишга тақсимлаш бўйича комиссия ишида иштирок этадилар.

-Жамоат ташкилотлари ўқувчилар, ўқитувчилар ва ходимларнинг маънавий-маиший ҳаётларини яхшилаш, ижтимоий ҳимоялаш, ўқув тарбиявий ишларини сифатини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни бажарилишида иштирок этиш.

-Касб-ҳунар коллежида касаба уюшмаси, хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатади.

-Жамоатчилик ташкилотлари ўз низомлари асосида тадбирлар белгилаб шу асосда фаолият кўрсатиб боради.

Касб-ҳунар коллежининг бинолари, иншоотлари, жиҳозлари ва бошқа мулклар давлат мулки ҳисобланади, уни кўз қорачиғидай асраш барчанинг бурчи ҳисобланади.

Касб-ҳунар коллежи фаолиятини маблағ билан таъминлаш қуйидагича шаклланади; бюджетдан ажратилган маблағлар; Касб-ҳунар коллежининг таълим хизматлари илмий педагогик ва ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа турларини амалга оширишдан олган даромадлари; юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий еҳсонлари ва мақсадли бадаллари; қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа маблағлар; Касб-ҳунар коллежининг молиявий маблағлари унинг тасарруфида бўлади ва улардан қонунчилик ва коллежнинг уставидаги вазифаларга мувофиқ фойдаланилади.

Касб-ҳунар коллежи ва унда жойлашган тиббий муассаса, ошхона ёки бошқа умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларига иситиладиган, ёритиладиган ва сув билан таъминланадиган биноларни бепул беради.

Касб-ҳунар коллежи ходимлари ва ўқувчиларининг мулкани яхши сақлашлари, тўғри ишлатишни, ўқув юртини моддий ва пул маблағларини тежамкорлик билан сарфлашлари керак. Коллеж мулкани қаровсиз қолдирган, йўқотган ва бузганларга белгиланган тартибда жазо чоралари кўрилади.

Касб-ҳунар коллежи белгиланган тартибда ўз ишлари натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ва бухгалтерия ҳисоботларини юритади.


Касб-ҳунар коллежи қонунчиликка зид бўлмаган тартибда пуллик хизматлар ташкил етиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш маҳсулотлар олиб-сотиш ва тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин.



Хонобод саноат - транспорт касб - ҳунар коллежи

1-расм. Коллежнинг ташқи кўриниши.

Хонобод саноат транспорт касб-хунар коллежида тайёрланадиган мутахассисликлар



2-расм. Коллеждаги мутахасисликлар

Ахборот Ресурс Маркази фонди

Т/р	Адабиётлар тури	Неча номда	Жами сони	таъминланиш даражаси
1	Умум таълим	105	3880	98 %
2	Махсус фанлар	170	2272	80 %
3	Бадий адабиётлар	5325	7191	
4	Сиёсий адабиётлар	716	1007	
	жами	6316	14350	

Т/р	Электрон ресурслар	Неча номда	Жами сони	Ўзбек тилида
1	Ўқув услубий қўлланма	57	69	69
2	Сиёсий қўлланма	4	4	4
3	Бадий қўлланма	3	3	3
	Жами	64	76	76

Педагог ходимларни таъминланганлиги, малака ошириши ва кайта тайёрловдан утганлиги

Уқитувчи ходимлар таркиби		Мавжуд	Малака оширганлиги	Кайта тайёрловдан утганлиги	Уқитувчи ходимларга булган эҳтиёж
Жами уқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари сони		61	37	3	5
Шундан	1. Умумтаълим фан уқитувчилари	28	25	2	
	2. Махсус фан уқитувчилар	14	9	1	1
	3. Ишлаб чиқариш таълим усталари	19	3		4

2011-2012 йил давомида педагог ходимларнинг касб маҳоратини ошириш ва тажриба алмашилиши учун 38 та “Очиқ дарс”лар, дарс таҳлиллари, услубий бирлашма томонидан ўқув семинарлари ташкил этилди. Ёш ўқитувчиларни тажрибасини ошириш учун малакали кадрларга бириктирилиб, назоратга олинади.

Андижон вилоят хокимлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг Малака ошириш режасига асосан 10 нафар ўқитувчилар малака ошириш курсларида қатнашиб, олган билимлари бўйича семинар машғулотлар ўтказдилар.

Коллеж битирувчиларини олий таълим муассасалари ва корхона ҳамда ташкилотларга йўналтиришга қаратилган, ташкилот раҳбарлари ва туман меҳнат бандлиги бўлими ходимлари билан учрашувлар ташкил этилиб, битирувчи ўқувчиларга мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди ва касб танлашга доир фикрлар

билан ўртоқлашилди, фан, ишлаб чиқариш интеграцияси амалга оширилди. Битирувчиларнинг касбий амалий имтихонлари ва Битирув малакавий ишларни низом асосида ўтказилиши таъминланди ва юқори савияда ташкил этилди. 2011 йилда 104 нафар битирувчилар коллежни муваффақиятли таъмомлаб касб-хунар коллежи дипломига эга бўлдилар

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида 22 та фан ва 7 та спорт тўғараклари ташкил қилиниб, коллеж ўқувчиларидан 312 нафари қамраб олинган бўлиб, тўғарак қатнашчиларининг 134 нафарини қизлар ташкил қилади.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун ташкил этилган тўғараклар ва талабалар билан алоҳида ишлаш натижасида уларнинг билим даражасини оширишга эришилди. Натижада 2011-2012 ўқув йили давомида фан олимпиадасининг 1-турида иштирок этиб 1 ўринларни эгаллаган 4 нафар талаба олимпиаданинг 2-турида қатнашиб 3 нафари 1-ўрин, 5 нафари 2-ўрин, 4 нафари 3-ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди. 2011-2012 ўқув йилида эса фан олимпиадасининг вилоят босқичида қатнашган 20 нафар коллеж талабасидан 1 нафари республика босқичига бориш учун йўлланмани қўлга киритди.

2.2 Коллеж педагогларининг нотиклик қобилияти тахлили

Хонобод саноат-транспорт коллежида талабаларга ўргатиладиган иқтисодий билимларда республикамизда бозор иқтисодиёти билан боғлиқ иқтисодий атамаларга айрим тармоқлар бўйича изоҳ бериб ўрганишга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, «тикувчилик ишлаб чиқариш» кафедрасидаги ўқитувчиларни дарс жараёнини тахлил қиладиган бўлсак, “тўқимачилик” дарс берувчи Ахмедова Зухра опа 2-курс 7-гурухида ўзаро муносабатларда ишлатилаётган аталамаларга изоҳ беришда аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ёндашиб, дарсда талабаларнинг жумлаларни мазмунини ёритишига катта эътибор бериб келмоқда.

Бундан ташқари “Бухгалтерия хасоби” кафедраси фан ўқитувчилари ҳам иқтисодий атамаларни ўрганишга алоҳида эътибор бериб келмоқдалар.

Шунингдек, коллежда педагоглар Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли ижтимоий ҳимояни амалга ошириши заминида умуминсоний манфаатларни рўёбга чиқариш, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтиришга дарс машғулотларида эътиборини қаратмоқдалар. Шу сабабдан коллежда турли манбаларда берилган иқтисодий атамаларда бозор иқтисодиётига ўтишдаги сир-асрорларни чуқурроқ ўрганиш ва ўргатиш мақсадида кундалик турмушимизда қўлланилаётган атамаларнинг асл маъноси ва мазмунини ҳар томонлама очиқ беришга ҳаракат қилинмоқда.

Коллежда иқтисодий билимларни беришда бозор иқтисодиётига бағишланган ҳар бир билим, ҳар бир тушунча маълум тизим асосида алоҳида изоҳ билан ўргатилмоқда. Ушбу атамаларнинг маъноси, нима учун кераклиги, таркиби ҳар томонлама мукамал ёритилади. Шу билан бирга коллеждаги академик гуруҳларга ўзаро муносабатларда ишлатилаётган аталамаларга изоҳ беришда аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ёндашилиб, жумлаларнинг мазмунини ёритишга катта эътибор берилиб келинмоқда.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб бориши республикамизнинг янгидан-янги мамлакатлар, фирмалар, корхоналар билан ҳамкорлик қилишга олиб келмоқда. Бу ўз навбатида янги байналминал терминларнинг ҳаётга кириб келишига замин яратди. Шунинг учун ҳам коллежда машғулотлар давомида педагоглар уларнинг халқаро миқёсда ишлатилиб келинган вариантларини сақлаб қолган ҳолда ўзбек тилида изоҳ беришга интиломоқдалар. Коллежда талабаларга янада мазмунли бўлишлари учун ушбу атамаларнинг, тушунчаларнинг инглиз

ва рус тилидаги синонимлари асосида таҳлил қилиниши ҳам мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

Коллеж педагогларининг нотиклик қобилиятини ривожлантиришда биз олий таълим битирувчилари институтда олган билим ва кўникмаларимиз асосида қуйидаги тавсияларимизни бердик:

- Иқтисодчи-педагоглар иқтисодий атамаларни ўрганиб чиқишларида махсус изоҳли луғатлар билан ишлаш
- махсус луғатларда уларни қизиқтирган муаммолар, ибораларга жавоб топиш.
- Иқтисодий атамаларни ўрганиш, уни тушуниш ва маъносини изоҳлаш.

Талаба сўзни тушуна олмаса, зарурият жараёнида фикрида қўллай олмаса, фикрларини баён эта олмайди, шу мақсадда коллежда талабаларга тақдим этиладиган иқтисодий лексик манбаларни мукамал ўргатиш орқали уларнинг фикрий фаолиятини ўстириш имкони яратилмоқда. Ҳар бир янги сўз, атама ва ибора фаол ўзлаштирилиши учун турли фикрий шароитларда имкон қадар кўп марта такрорланишига ҳаракат қилинади.

Коллежда иқтисодчи-педагоглар иқтисодий атамаларни ўргатиш жараёнида лексик минимум танлашнинг қуйидаги тамойилларига таяниб иш кўришмоқда:

- Атамаларнинг қўлланилиш даражасига қараб танлаш;
- Мавзу буйича танлаш;
- Бирикувчанлик;
- Услубий чегараланмаслик;
- Синоним сўзлардан биттасини (имконияти кенгроғини) олиш ва ҳк.

Коллежда атамаларни ўргатишда, аввало, уни методик ташкил қилишга эътибор қаратилиб, фикр фаолиятининг лексик томонини ўргатиш, лексик кўникмаларни шакллантириш, автоматлаштириш назарда тутилмоқда.

Коллеждаги академик гуруҳларга дарс бериш жараёнида атамаларни ўргатиш қуйидаги жадвал асосида амалга оширилади:



Коллеждаги тажрибали “иқтисодиёт назарияси” фани ўқитувчиси М.Қиличованинг дарсини кузатганимизда талабаларга кундалик фаолиятимизда дуч келадиган иқтисодий атамаларнинг номланишлари ҳақида мулоҳазалар билдирди. Масалан, *аграр-саноат мажмуаси - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (етиштириш), тақсимлаш қайта ишлаш ва истеъмол қилиш бўйича ўзаро иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ халқ хўжалиги тармоқларининг йигиндиси. Қишлоқ хўжалиги, саноат ва қайта ишлаш саноатини ўз ичига олади.*

Банк кредити - кредитнинг асосий шакли бўлиб, унда пул маблағлари вақтинча фойдаланиш учун банклар томонидан берилади.

Кўчмас мулк - ер, табиий ҳудудлар ва ер билан боғланган мулк. Ерга эгаллик ҳуқуқлари ҳам кўчмас мулкка киради.

Шу каби атамаларни ўзлаштиришда коллежда иқтисодчи-педагоглар атамалар устида ишлашни уч босқичда амалга оширмақдалар:

1. Сўзларни таништириш, тушунтириш.
2. Сўзни ўзлаштириш.
3. Сўзни мустаҳкамлаш.

Иқтисодиёт тили ва услубига хос жараёнларни мутахассислик нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда уни ўзлаштириш осон кечади ва мустақил фикрлашда, амалиётда қўллай олиш имконини яратади. Атамаларни мукамал ўзлаштириш нафақат сўзнинг маъносини изоҳлаш билан, балки унинг қандай тартибда қўлланилишга оид мавзулар билан мустаҳкамланади.

Иқтисодий атамаларда икки жиҳатни - ташқи ва ички, белги ва маънони ажратиш мумкин. Белги - бу ёзилган ёки айтилган сўз, унинг ёзувдаги ифодаси ёки товуш қобиғи. Ҳар бир белги ниманидир англатади. Сўз белги ва маънонинг бирлигидир. Масалан, **дотация** сўзини ташкил этган ҳарфлар, товушлар (д, о, т, а, ц, и, я) каби онгимизда тасаввур этилган моддий белги бўлиб, ўзбек тилида муайян маънони ифоалайдики, у ҳиссий-руҳий, ғоявий жиҳати билан бошқа белгилардан фарқ қилади. Бунда ташқи - моддий белги (ҳарф, товуш) ва ички белги - ёзилган ёки айтилган сўзнинг ҳиссий-руҳий образи фарқланади.

Бозор муносабатларида даврида тилимиз жуда кўплаб иқтисодий атамалар билан бойимоқда. Бу ички манбалар ҳисобига ва ташқи манбалар асосида амалга оширилмоқда. Фикрда эса сўзларни тўғри танлаш ва қўллаш мустақил фикрлашнинг муҳим белгиларидан саналади. Фикрни тингловчига тушунарли ва аниқ етказишда сўзни тўғри танлаш лозим бўлади.

Сўз танлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Сўзнинг луғавий маъносини билган ҳолда танлаш;
- Танланган сўзни аниқ талаффуз эта олиш;
- Сўзнинг суҳбатдошларга тушунарли бўлишини ҳисобга олиш;
- Сўзнинг маъно хусусиятларига асосланиб, уни фикр мақсадига мувофиқ тарзда танлаш.

Атамалар фақат бир маънони ифодалаш учун қўлланилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустақил фикрлашнинг чинакам соҳиби бўлиш учун мустақил фикрлашнинг барча босқичлаврини мукамал эгаллаш зарур бўлади.

III- БОБ. Хонобод саноат-транспорт коллежи педагогларининг нотиқлик қобилиятини ривожлантиришни такомиллаштириш

3.1 Коллеж педагогларининг нотиқлик қобилиятини ривожлантириш йўллари

Хонобод саноат-транспорт коллежида ўқитувчиларни нотиқликка ўргатишни такомиллаштириш жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш бугунги кунда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан бири таълим-тарбия жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда таълим олувчиларни ўқитишни жадаллаштириш саналади. Бугунги кунда педагогик технологиянинг асосий хусусиятлари аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлиги, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси ҳисобланган таълим олувчининг хатти-ҳаракати орқали ўқитишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олиши керак.

Педагогик технология атамасига ҳар бир дидактик олим ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф берган. Ҳали бу тушунчага тўлиқ ва ягона таъриф берилмаган. Ушбу таърифлар ичида энг мақсадга мувофиқи ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

Педагогик технология – таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнининг инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Тарбияни «технологик» йўналишда қуришнинг умумий мезони унинг аниқ ва батафсил белгиланган мақсадга йўналтирилганлигидир. Бу ҳолатда хусусий мақсадларни амалга ошириш учун алоҳида қонуният, жараён, кетма-кетлик ва уларга мос амаллар мажмуининг мавжуд бўлиши асос сифатида

олинади. «Педагогик технология»нинг воситавий йўналтирилганлиги унинг турли услублар асосида таълим тизимларини шакллантириш борасидаги имкониятларини белгилаб беради. Бунда таълимнинг ташкилий жиҳатлари, олдиндан, гўёки ташқаридан белгиланган мақсадларга эришиш усули сифатида қаралади. Мос равишда амалга оширилиши талаб этиладиган жараёнлар таҳлили ва уларни саралаш ўқув фаолияти мазмунини ҳисобга олмаган ҳолда олиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, тарбиялаш технологияси ёшлар билан тарбиявий ишларнинг ғояси, мазмуни ва таркибини эмас, балки бу соҳадаги ҳукумат ишлаб чиққан мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш билан шуғулланади. Тарбиялаш технологияси мўлжалланган тарбиявий мақсадга самарали эришувни таъминловчи воситалар мажмуасини кўриб чиқади. Шу боис, профессор-ўқитувчилар учун ҳар томонлама ривожланган, юқори интеллектуал ва маънавий баркамол фуқаро шахсини шакллантиришга қаратилган талабаларни ҳукумат сиёсатига мувофиқ тарбиялаш технологияларини эгаллаши долзарбдир⁴.

Моддий ишлаб чиқаришдаги жараёндан фарқли ўлароқ, тарбия жараёни ягонадир ва уни майда бўлақларга ва қадамларга бўлиш қийин. Тарбия жараёни кетма-кет андоза билан эмас, бир варақага олиб бориладиган жараёндир.

Шу муносабат билан, айрим "технологик жараёнлар" – инсоний сифатларни шакллантириш кўникмалари мавжуд тарбиячиларни жалб қилишга эҳтиёткорлик ва мулоҳазали ёндошув зарур бўлади. Такроран таъкидлаш жоизки, шахс "бўлақлардан" шаклланмайди. Фақат шахсгина шахсни шакллантира олади. Шу сабабли, тарбиячи технологик жараённи бошидан охиригача олиб бориши даркор. Ушбу ҳолатда умумий технологияга таянган шахсий маҳорат билан иш кўрилади.

⁴ Б.Фабрман.»Илғор педагогик технологиялар». Т.: «Фан».2000й.-52-53б.

Тарбия соҳасидаги технологияда барча тарбияга ҳос босқичлар сақланган. Ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни шакллантириш йўлида ушбу босқичлар босиб ўтилади. Уларни аниқлаш, амалга ошириш йўллари кўрсатиш – илмий масаладир. Тарбия жараёнининг технологик муаммоларини ечишда ҳар бир тарбиячи ўзининг мумтоз мақсадига эришиш йўлини ўташи, вақти-вақти билан долзарб босқичлар орасида фаолиятини назорат қилиб, тузатишлар киритиб бориши зарур.

«Таълим ва тарбия» журналининг 1996 йил 1- сонидан эълон қилинган «Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бўлғуси мутахассисларнинг умумий ва касбий маданиятини шакллантириш бўйича жамлама тарбиявий ишлар режаси» тарбиявий ишларни дастурлашга мисол бўла олади.

Дастурнинг асосий тарбиявий йўналишлари ва мақсадлари :

И. Фуқаро тарбияси. Энг юксак миллий кадрлар ва сифатларни тарбиялаш, умуминсоний кадрларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг миллий ўзини-ўзи англашини ривожлантириш.

2. Касб эгаллашга, шахсий масъулиятни, юқори малакали бўлишга ва касбий маҳоратга интилишни тарбиялаш, меҳнат фаолиятига ва доимий равишда малакани ўстириб боришга ундовчи сифатларни тарбиялаш.

3. Оилавий ҳаётга тайёрлаш. Ота-она ва қондош-қариндошлар, оила олдиданги масъулият ва жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.

4. Талабани шахс сифатида ривожлантириш. Бетақдор шахсий сифатлар ва ижтимоий қиёфани ҳар томонлама ижодий ривожига кўмаклашиш.

Мазкур дастур таркибининг ўзига ҳос томонларини кўрсатиш лозим. У талаба ва педагогнинг фаолиятларини айрим – айрим ҳолда таърифлайди, бу эса қуйида келтирилган тарбия технологияси ва Д. Кратволнинг руҳиятли-кадрлар соҳасидаги ўқув мақсадлари таснифлагич (таксономия) га мос келади. У дунёдан тан олинган ва тарбиявий мақсадларни ва кутиладиган натижаларни режалаштиришда кенг қўлланилади. Унинг

асосида эса, тарбиявий технология ётади ўқитиш технологиясидати каби тарбия вазифаларини шакллантиришда (таққосланувчи тарбиявий мақсадлар) тарбияланувчилар ҳатти-ҳаракатини акс эттирувчи феъллардан фойдаланилади.

Кратвол таксономиясига тарбиявий технологиянинг беш асосий тушунчаси киради: кабул қилиш, идрок этиш, кадриятларни ўзлаштиришни йўлга солиш, кадриятларни баҳолашни ташкил этиш, кадриятлардаги йўналишларни кенгайтириш ёки фаолиятга тадбиқ этиш. Қуйида келтирилган тушунчаларни талабаларнинг тарбиявий технологиясини ривожлантиришда қўллаш мисоли келтирилган. Шундай қилиб, тарбия жараёнини яхлитлиги ғояси амалий технологияда ҳар томонлама ёндошув орқали амалга оширилади. Ҳар томонлама, деганда, мақсад ва вазифаларнинг, услуб ва шаклларнинг ва уларнинг ўзаро алоқа ва таъсирлари тушунилади. Бундай ёндошувга ўткир зарурият мавжуд, чунки ҳозиргача шаклланган тизимда тарбия майда жараёнлар йиғиндиси деб тушунилган. Шу боис, тарбияни айрим жараёнлар сифатида ташкил этиш мумкин, деб ҳисобланган. Бундан ташқари, ягона шахсни эмас, унинг айрим сифатларини шакллантириш билан шуғулланилган. Бу эса, ҳар ёқлама ривожланган, баркамол шахсни тарбиялашга салбий таъсир этмоқда. Замонавий тарбиялаш технологияси ҳар томонлама (комплексный) ёндашувни амалга оширади ва қуйидаги мажбурий талабларга риоя қилади: 1. Тарбияланувчиларга уч йўналиш бўйича таъсир этилади – тафаккурига, сезгиларига ва ҳулқига. 2. Тарбияда (ташқи педагогик таъсир) ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг узвийлиги туфайли, ижобий натижага эришилади. 3. Тарбия жараёнида иштирок этувчи барча восита ва тадбирларнинг мувофиқлаштирилиши: ижтимоий институтлар, бирлашмалар, оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат, оила, мактаб, ҳуқуқ- тартибот идоралари, жамоалар ҳар томонлама ёндошувнинг зарурий шартидир. 4. Шахснинг маълум сифатлари амалдаги тарбиявий

ишлар мажмуи орқали ҳосил қилинади. Бу ишлар яққол кўринишдаги кўп ёқлик бўлиши, бир вақтнинг ўзида ақлий, жисмоний, хулқий, эстетик ва меҳнат тарбиясини узвийлиги асосида олиб борилиши зарур. Собик тарбиявий тизимнинг камчиликлари тарбия вазифаларини алоҳида-алоҳида ечишдан келиб чиққан, яъни хулқий тарбия меҳнат ва эстетик тарбия билан, ақлий тарбия жисмоний ва хулқий тарбия билан, меҳнат тарбияси-ақлий тарбия-билан боғлиқ эмас эди. Тарбия назарияси бир-биридан ажралган қисмлардан иборат эди.

5. Ҳар ёқлама яхлит тарбиявий ёндошув тарбиячининг тизимли муносабатини ва бошқарувини тақозо қилади. Бошқарув тарбия жараёнида иштирок этувчи ташқи ва ички омиллар ва уларнинг ўзаро таъсири инобатга олингандагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Шу боис, ушбу омиллар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш зарур. Бош омиллар сарасига қуйидагилар киради;

а) таълим олувчининг шаклланган ҳаёт тарзи;

б) яшаш ҳудудларининг ўзига ҳослигидан келиб чиққан турмуш шароити (анъаналар, таълим муассасаси атрофидаги урф-одатлар, миллий ўзига ҳослик, табиий шароитлар);

в) оммавий ахборот ва ташвиқот воситалари;

г) таълим олувчи шахсга таъсир этувчи жамоанинг ривожланганлик даражаси ва яшаш шароити (тарбия тизими, жамоатчилик фикри, қадриятлар ўрни, хулқий меъёрлар, психологик муҳит); д) дастлабки жамоада шаклланган муносабатлар меъёри, таълим олувчининг жамоадаги ўрни;

е) тарбияланувчининг шахсий ўзига ҳослиги.

Тарбияга ҳар томонлама яхлит ёндошувда юқоридаги омиллар ва шароитлар узвийлашган ҳолда инобатга олиниши зарур. Тарбия жараёнида шахс ва жамоа учун мақбул ўзгаришлар нафақат бевосита руҳиятга таъсир этиш билан, балки ташқи шароитнинг ўзгариши, унинг меъёридан оғиш ёки салбий таъсирини камайтиришни эътиборга олиш самаралидир⁵.

⁵ Фарберман Б.Л. «Илғор педагогик технологиялар». Т.. «Фан» 2000й. - 63б.

3.2 Коллеж педагоглари таълим технологияларидан фойдаланиб нотиклик қобилиятини ривожлантириш истиқболлари

Ўқувчи ва талабанинг фаол фикрловчи шахс бўлиши зарурати педагогика фанида аллақачонлар таъкидланган ва бу муаммо қизиқиб ўрганилган. Ж.Ж.Руссо (1712-1778), немис педагоги А.Дистерверг (1790-1866) лар ҳам ўзларининг дидактик таълимотларида ўқувчи ва талабада мустақил фикрлашни ривожлантириш зарурлиги ғоясини илгари сурган. Улар мустақилликни таълим ва тарбиянинг асосий тамойили деб ҳисоблаганлар. Зеро, Дистервергнинг фикрича, мустақил эгалланган билимлар ва кўникмалар катта аҳамиятга эга. Дистерверг: “Ақлни ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Уларни инсон ўзи мустақил ўрганиши, ўзлаштириши ва қайта ишлаши зарур...”. “Ёмон ўқитувчи тайёр ҳақиқатни беради, яхши ўқитувчи эса уни топиш йўлини ўргатади”, - деб таъкидлайди.

Замонавий таълим тизими талабага “объект” сифатида эмас балки, “субъект” сифатида ёндашишни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида шахснинг билиш ва ижодий фаоллигини ривожлантиришга қаратилган махсус ташкил этилган мунтазам ўқув фаолияти бўлган мустақил таълимнинг долзарблигини оширмоқда.

Мустақил таълим жараёнида билимлар кенгайди, чуқурлашади, мукаммаллашади, турли шароитларда улардан фойдаланиш имконини берувчи универсаллик характерига эга бўлади. Мустақил ишлар турли

кўринишларда бўлиши мумкин. Масалан, манбалар билан ишлаш, кузатиш ишларини олиб бориш, лойиҳалаш, тажриба синовларини ўтказиш, тренажёрларда машқлар бажариш ва шу кабилар.

А.С.Лында ва унинг маслакдошлари ўқувчиларнинг мустақил ишларини қуйидаги жиҳатларини алоҳида ажратиб кўрсатганлар:

- ўқувчиларнинг ақлий, иродавий ва жисмоний кучларини талаб этувчи ишлар, мустақил интеллектуал ва амалий фаолиятга қизиқтирувчи ишлар;

- билиш ёки амалий вазифалар характеридаги ишлар;

- муаммоли вазиятларни ўзида мужассамлаштирувчи ишлар;

- қўйилган билиш ва амалий характердаги вазифалар ечимини топишда ижодий ёндашувни талаб этувчи мустақил ишлар;

- ўз фаолиятини режалаштириш, уни илмий ташкил этиш, бошқаларнинг ёрдамисиз вазифаларни бажариш, иш натижаларини мақсадига қийслаб баҳолашни кўзда тутувчи ишлар;

- мунтазам равишда ишнинг бориши, натижаларни назорат қилиш, керакли ҳолларда ўзгартиришлар киритиш ва амалга оширишни такомиллаштириб боришни кўзда тутувчи ишлар;

- қўйилган вазифаларни тўлақонли бажаришга киришиш, бу ўз навбатида ўқувчи шахсини яхлит ривожлантиришга имкон бериб, ақлий ва амалий фаолият усуллари, ўзи устида ишлаши ва ижодкорликни шаклланишига имкон беради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мустақил ишлар талаба олдига маълум бир таълимий муаммони ҳал қилишни кўяди. Мустақил

фикр юритиш жараёни эса, муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади. Мустақил фикр юритиш малакасига эга талаба ностандарт ёки кутилмаган вазиятларда тезкор, аниқ ва тўғри қарор қабул қилишга асос ҳисобланадиган изланувчан ижодий фаолиятни таъминловчи жиҳатларга эга бўлади.

Ҳозирги кунда мустақил таълимни ташкил этиш бўйича бир қанча ижобий натижаларга эришилган бўлсада, талабалар мустақил ишларини фақатгина керакли бални тўплаш учунгина бажаришмоқда. Албатта, бу ҳолатда ишнинг самараси кузатилмайди.

Талабаларнинг мустақил ишларни бажаришдаги фаоллиги жиддий мотив мавжуд бўлгандагина жадаллашади. Бизга психологиядан маълумки, мотив бирор фаолиятга ёки ҳаракатга ундовчи кучдир.

Мустақил ишларни бажаришни фаоллаштирувчи мотивларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Ташқи мотив – талабанинг таълим олиш ва олий ўқув юртидаги натижаларга боғлиқлиги. Афсуски, бу фактор ҳозирча етарлича фойда бермаяпти, лекин секин-асталик билан олий ўқув юртида олинган натижаларга иш берувчилар томонидан қизиқиш ортмоқда.

2. Ички мотив – талабанинг таълим олиш ва олий ўқув юртига иштиёқи (ҳаваси) ва унинг имкониятларини танлаган касбига мослиги. Уни ҳар бир абитуриентдан олий ўқув юртига киришгача бўлган вақтда аниқлаш лозим.

3. Таълимий мотив – талабанинг бажарилаётган ишнинг фойдали эканлигини англаб етишида юзага келади. Талабалар бажарилаётган

ишнинг муҳимлиги мутахассисликка оид билимларни ошириш, дунёқарашни кенгайтириш касбий тайёргарликни мустаҳкамлашда эканлигини англаб етишлари лозим. Мустақил ишларнинг натижаси маъруза материалларини, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларини яхшироқ тушунишида талабага ёрдам беришини исботлаб бериш лозим.

Мустақил ишларни бажаришни фаоллаштирувчи таълимий мотивларни кўриб чиқамиз:

1. Бажарилаётган ишнинг фойдалиги. Агарда талаба бажараётган ишининг натижаларидан маъруза курсларида, методик қўлланмалар тайёрлашда, лаборатория машғулотларида ва мақолалар тайёрлашда қайсидир миқдорда фойдаланса, мустақил ишларни бажаришга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгаради ҳамда бажараётган ишларининг сифати ортади.

2. Талабаларнинг ижодий фаолиятдаги иштироки. Бу талабаларнинг кафедрадаги илмий-тадқиқот, тажрибавий-конструкторлик ёки методик ишларни бажаришдаги иштироки.

4. Ўқув фанлари бўйича олимпиадада, илмий-тадқиқот ёки амалий конкурсларда иштирок этиши.

5. Билимларни назорат қилиш (баҳолаш, рейтинг баллари, тестлар, ностандарт имтиҳон жараёнлари) мотиви. Ушбу мотив маълум вазиятларда талабалар ўртасида мусобақаланиш жараёнинини вужудга келтиради.

6. Талабаларни таълим жараёнидаги муваффақиятлари ва ижодий фаоллиги учун рағбатлантириш (стипендия, мукофотлар, рағбатлантирув-чи баллар) ёки ёмон ўқиганликлари учун жазолаш.

7. Аудиторияда ва ундан ташқарида бажариладиган мустақил ишларни индивидуал бажаришга эришиш ҳамда уларни доимий равишда янгилаб туриш.

8. Мустақил ишларни бажариш ва ўқув жараёнида ўқитувчи шахси асосий мотивлардан ҳисобланади. Ўқитувчи мутахассис ҳамда ижодий шахс сифатида талаба учун намуна бўлиши лозим. У талабага ижодий имкониятларини намоён қилишида кўмаклашиши лозим.

Мустақил ишлар мустақил фаолият юритиш малакасига эга мутахассисни тайёрлашда кўмаклашади. Мустақил фаолият юритиш сифатига эга мутахассис фақатгина кўрсатмаларга биноан фаолият кўрсатувчи оддий ижрочи эмас, балки, масалалар ечимига ижодий ёндашиб, янгиликлар яратувчилик қобилиятига эга бўлади.

Қуйида биз бир нечта таълим технологияларидан фойдаланиб коллеж ўқитувчиларининг нотиклик қобилиятини ривожлантириш йўллари

кўриб чиқамиз:

Интервью методи

Одамлар тилидан ёзма ёки оғзаки тарзда олинган фикрлар маълумотларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Интервью - бу бевосита, эркин фикр алмашинуви шароитида ўзаро фикр алмашинувида қаратилган мулоқотдир. Чунки суҳбатдан фарқли ўлароқ интервью аниқ муаммо доирасида, қатъий бир йўналишда олиб борилади. Интервью олувчи суҳбатдошга нисбатан нейтрал мавқеда бўлиб, унинг фикрлашига ҳалақит бермаслиги, айниқса, унга тазъийқ ўтказмаслиги лозим.

Интервью жараённинг самарали кечиши учун суҳбатдошда ўзига нисбатан ижобий муносабат шакллантириб, биринчи сўзларни аниқ, раво, ифодали баён қилиш муҳимдир.

Интервью ўтказишга одам махсус равишда тайёргарлик кўриши керак, чунки у одамдан қатор муҳим сифатларнинг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам психодиагностикада «ролли ўйинлар» методи ёрдамида психодиагност ёки амалий психолог махсус тайёргарлик курсидан ўтадилар.

Кузатиш методи

Кузатиш методи табиий методлар жумласига киради. Ташқи кузатув моҳиятан кузатилувчи хулқ-атворини бевосита ташқаридан туриб, кузатиш орқали маълумотлар тўплаш усулидир. Ўз-ўзини кузатиш эса одам ўзида кечаётган бирор ўзгариш ёки ҳодисани ўзи ўрганиш мақсадида маълумотлар тўплаш ва қайд этиш усулидир.

Эркин кузатув кўпинча бирор ижтимоий ҳодиса ёки жараённи ўрганиш мақсад қилиб қўйилганда қўлланилади. Масалан, байрам арафасида аҳолининг кайфиятини билиш мақсадида кузатув ташкил қилинса, олдиндан махсус режа ёки дастур бўлмайди, кузатув объекти ҳам қатъий бўлиши шарт эмас. Ёки дарс жараёнида болаларнинг у ёки бу мавзу юзасидан умумий муносабатларини билиш учун ҳам баъзан эркин кузатиш ташкил этилиши мумкин. Стандартлаштирилган кузатув эса, бунинг акси бўлиб, нимани, қачон, ким ва кимни кузатиш қатъий белгилаб олинади ва махсус дастур доирасидан чиқмасдан, кузатув олиб борилади.

Ижтимоий ҳамда педагогик психологияда гуруҳий жараёнларнинг шахс хулқ-атвориға таъсирини ўрганиш мақсадида бевосита ичкаридан кузатув ташкил қилинади, бунда кузатувчи шахс ўша гуруҳ ёки оила ҳаётиға табиий равишда қўшилади ва зимдан кузатиш ишларини олиб боради. Бу бир қарашда контрразведкачиларнинг фаолиятини ҳам эслатади. Шу йўл билан олинган маълумотлар бир томондан табиийлиги ва муфассаллиги билан қимматли бўлса, иккинчи томондан, агар кузатувчида конформизм хислати кучли бўлса, ўзи ҳам гуруҳ ҳаётиға жуда киришиб кетиб, ундаги айрим

ходисаларни субъектив равишда қайд этадиган бўлиб қолиши ҳам мумкин. Гуруҳий феноменларни ташқаридан кузатиш бунинг акси - яъни кузатувчи гуруҳга ёки кузатилаётган жараёнга нисбатан четда бўлади ва фақат бевосита кўзи билан кўрган ва эшитганлари асосида хулосалар чиқаради.

Умуман, кузатиш методининг ижтимоий ҳаёт, профессионал кўрсаткичларни қайд қилишда сўзсиз афзалликлари бор, лекин шу билан бирга кузатувчининг профессионал маҳорати, кузатувчанлиги, сабр-қаноатига боғлиқ бўлган жиҳатлар, яна тўпланган маълумотларни субъектив равишда таҳлил қилиш хавфи бўлгани учун ҳам бироз ноқулайликлари ҳам бор, шунинг учун ҳам у бошқа методлар билан биргаликда ишлатилади.

Сўроқ методи

Сўров методи ҳам психологиянинг барча тармоқларида бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий усулларида ҳисобланади. Унда текширилувчи текширувчи томонидан қўйилган қатор саволларга мухтасар жавоб қайтариши керак бўлади.

Оғзаки сўроқни ёки баъзан уни оддийгина қилиб, суҳбат методи деб аталади, ўтказадиган шахс унга маълум даражада тайёргарлик кўргач сўроқ ўтказди. Агар мабодо унинг профессионал маҳорати ёки тажрибаси бунга етарли бўлмаса, сўров ўз натижаларини бермаслиги мумкин. Лекин маҳоратли сўровчи ушбу метод ёрдамида инсон руҳий кечинмаларига алоқадор бўлган ноёб маълумотларни тўплаш имконига эга бўлади.

Ёзма сўроқ ёки анкетанинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан кутиладиган жавоблар (ёпиқ анкета), ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очик анкета) сўровномалар аниқ ва равон тилда жавоб берувчилар тушуниш даражасига монанд тузилган бўлса, шубҳасиз, қимматли бирламчи материаллар тўпланади.

Сўроқнинг ҳам эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисида олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, ҳаттоки, компьютерда дастури ишлаб чиқилиб, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади.

Контент-таҳлил методи

Контент-таҳлил инглизча “*content - analysis*” сўзидан олинган бўлиб, ёзма ҳужжатлар, матнлар мазмунини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан талхил қилини назарда тутати. 20-30 йиллардаёқ бу усул ёрдамида унинг асосчилари бўлган америкалик социологлар Х. Лассуэл ва Б. Берельсонлар оммавий ахборот воситалари мазмунини ўрганиш орқали ушбу методнинг қатор афзалликларини исбот қилганлар. Кейинчалик Болтиқбўйи ҳамда Россия олимлари ҳам бу услубни умуман ёзма матнларни ўрганишдаги имкониятларини кенг ёритиб бердилар. Энди контент-таҳлил предмети нафақат матннинг ўзи эмас, балки ундаги ғоя, моҳият, мавзу ёки муаммолар ҳам бўлиши мумкинлиги исботланди. Масалан, Ўзбекистонда ҳамда Россияда чоп этилаётган энг оммабоп даврий нашрни олиб, унда ёшлар - таълим-тарбия муаммоларининг қай даражада ёритилишини бир йиллик газеталар саҳифаларидан ушбу категорияларнинг неча марта қайд этилаётганлиги миқдорини санаб чиқиш орқали аниқлаш энг содда кўринишдаги контент-таҳлилдир. Муаммони ёки ғояни ифодаловчи ижтимоий символлар, белгилар, уларнинг матндаги ўрни, абзацлар сони, қаторлар сони каби қатор миқдолрий кўрсаткичларни сифат жиҳатдан талхил қилиш объектив, асосли, математик методлар воситасида асослаш мумкин бўлган усулдир. Шунинг учун ҳам охириги йилларда Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий психология, социология, журналистика борасидаги изланишларда контент-таҳлил ишончли метод сифатида кенг қўлланилмоқда.

Таржимаи ҳол (биография) методи

Инсон психикасини тадқиқ қилиш учун унинг ҳаёти, фаолияти, ижодиёти тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Бу борада кишиларнинг таржимаи ҳоли, кундалиги, хатлари, эсдаликлари, ўзгалар ижодига берган баҳолари, танбеҳлари, тақризлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бирга ўзгалар томонидан тўпланган иаржимаи ҳол ҳақидаги материаллар: эсдаликлар, хатлар, расмлар, тавсифлар, баҳолар, аудио ва видеокассеталар, CD, DVD, MP3 дисклар, мултимедиалар, ҳужжатли фильмлар, тақризлар ўрганилаётган шахсни тўлароқ тасаввур этишга хизмат қилади.

Таржимаи ҳол маълумотлари инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатишда, унинг суҳбат ва тажриба методлари билан ўрганиб бўлмайдиган жиҳатларини очиб беришда ёрдам беради. Масалан, мазкур маълумотлар орқали ижодий ҳаёл билан боғлиқ жараёнлар: шеърят, мусиқа, нафосат, тасвирий санъат, техник ижодиётнинг нозик турлари ва кашфиётдаги тафаккурнинг ўзига хослигини, шахснинг маънавият, қадрият, қобилият, иқтидор, истеъдод сингари фазилатларини ўрганиш мумкин. Инсон онгининг хоссаси, намоён бўлиши, ривожланиши, ўзига хос ва ижтимоий хусусиятлари атоқли шахслар билдирган мулоҳазаларида ўз ифодасини топади. Алломалар тўғрисидаги маълумотлар замондошлари, издошлари, сафдошларининг таърифу тавсифлари орқали авлоддан авлодга ўтади.

Биографик маълумотлар одамларнинг ўзини-ўзи тарбиялаши, назорат қилиши, идора этиши, ўзининг услубини яратиши, камолот чўққисига эришиши жараёнида намуна вазифасини ўтайди.

Бадий адабиётда яратилган талай асарлар, масалан, Айний, Ойбек. Абдулла Қаҳҳор, Толстой, Горький ва бошқа қатор адибларнинг эсдаликлари таржимаи ҳол шаклида бўлиб, улар билан танишиш натижасида муаллифларнинг ҳис-туйғуси, темпераменти, характери, қобилияти,

истеъдоди, кизиқиши, интилиши, майли, лаёқати, дунёқараши эътиқоди, нафосати, ахлоқ ва одоби тўғрисида маълумолар олиш мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хонобод саноат транспорт коллежи педагогларининг нотиклик қобилиятини ривожлантириш жараёнида таълим мазмунини ёритиш асосида таҳлил қилиш бўйича ушбу илмий-тадқиқот ишининг мавзуси юзасидан бир қатор мулоҳазалар шакллантирилди. Жумладан, Нотиклик қобилиятини ривожлантиришнинг назарий асослари, Хонобод саноат-транспорт коллежи педагогларининг нотиклик қобилияти ҳолати таҳлили, коллеж педагогларининг нотиклик қобилиятини ривожлантиришни такомиллаштириш натижалари таҳлил қилинди. Бу ўз навбатида коллеж педагогик фаолиятига назарий ёндашувларни амалга ошириш орқали ўқув жараёни сифатини яхшилашга эришиш мумкин. Шу боисдан мавзу моҳиятини ёритишда қуйидагиларга эришилди:

- нотиклик қобилиятини ривожлантиришнинг назарий асослари,
- коллеж педагогларининг нотиклик қобилияти ҳолати таҳлили,
- коллеж педагогларининг нотиклик қобилиятини

ривожлантиришни такомиллаштириш натижалари таҳлил қилинди.

- хонобод саноат транспорт коллежи таълими жараёнида педагогларининг нотиклик қобилиятини ривожлантиришни такомиллаштириш ҳолати таҳлили юзасидан коллеж ўқув жараёнининг хусусиятлари, таълим жараёнидаги мавжуд ўқитиш воситалари турларини шакллантиришдаги ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган методик воситалар ва уларнинг дарс машғулотларидаги роли таҳлил қилинди;

Коллежда ўқув жараёни мазмуни, таълимнинг ўзига хос жихатлари ажратилиб кўрсатилди. Хонобод саноат-транспорт коллежи

педагогларнинг нотиклик қобилиятини ривожлантириш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифларни киритиш мумкин:

1. Коллеж ўқув жараёнини ташкил қилишда Республикамиздаги ўрта махсус касб-хунар таълимига қўйиладиган талаблар асосида шакллантириш;

2. Коллежда нутқ маданияти каби фанларни ўқитиш жараёнида ўқув методик адабиётлар, ўқитувчиларнинг муаллифликдаги услубий қўлланмалари ва материаллари асосида ташкил этишга қўшимча равишда фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

3. Коллежда ўқитувчилар малака ва кўникмаларини шакллантиришга нисбатан дидактик талабларни қўйиш;

4. Коллежда ахборот ресурс маркази китоб фондини Президент асарлари ҳамда нотиклик санъатига оид ўқув адабиётлари нашрлари, янги турдаги электрон адабиётлар билан таъминлаш;

5. Коллежда Президент асарларидан фойдаланиш бўйича дарс машғулотлари сифатини назорат қилишнинг қулай вариантларини ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т: “Ўзбекистон”, 2009 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Т: “Ўзбекистон”, 1997 й. 29 августь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Т: 1997 й. 29 августь.

II. Ўзбекистон республикаси президентининг фармон ва қарорлари:

4. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2005 й, 15 июнь.
5. “Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. // “Халқ сўзи” газетаси, 2005 й, 3 июнь.
6. “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. // “Халқ сўзи” газетаси, 2002 й, 6 июнь.
7. “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // “Халқ сўзи” газетаси. -15.06.2005 -№112.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкмаси Қарорлари

8. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли Ўзбекистоннинг 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий йил яқунлари. // “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил. 22 январь.
9. “Ўрта махсус касб-хунар таълим тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларнинг янги авлодларини яратиш тўғрисида” ги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли Қарори.

10. “2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус касб-хунар таълим тизими педагоги ва муҳандис-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш дастури” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

11. Каримов И. А. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т: “Ўзбекистон”. 1998 й.

12. Каримоқ И. А. “Баркамол авлод орзуси”. Т: “Шарқ” 1999 й.

13. Каримов И. А “Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор” // “Халқ сўзи” 2006 й. 25 февраль.

14. Каримов И. А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир” Т: “Ўзбекистон” 2005 й.

15. Каримов И. А. “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз” Т: “Ўзбекистон ” 2000 й.

16. Каримов И. А “Ўз келажагимизни ўзқўлимиз билан қурмоқдамиз” Т: “Ўзбекистон” 1999 й.

17. Каримов И. А “Эришилга ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим” // “Халқ сўзи” 2006 й, 11 февраль.

18. Каримов И. А. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” Т: “Ўзбекистон” 1992 й.

19. Каримов И. А “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т: “Ўзбекистон” 1998 й.

20. Каримов И. А “Юксак маънавият енгилмас куч” Т: “Маънавият” 2008 й.

21. Каримов И. А “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон Шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т: “Ўзбекистон” 2009 й.

V. Ўзбекистон Республикаси Вазирликлар меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлигининг “Ижтимоий гуманитар фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги 2000 йил 19 июнь 176 сон буйруғи.

23. “Олий таълим”. Меъёрий ҳужжатлар тўплами: // С. С. Ғуломов таҳрири остида. Тузувчилар: Б. Х. Рахимов, Ш. Д. Жонбоев ва бошқалар-Т: “Шарқ”, 2001 й.

VI. Дарсликлар

24. Хўжаев Н., Хошимова М, Хакимова М ва бошқалар. “Педагогика” (дарслик)-Т: ТДИУ, 2007 й.

25. Нишоналиев У, Турсунов И “Педагогика курси” дарслик. Т: “Ўқитувчи” 2003.

26. “Педагогика профессионального образования”. Под. Ред. В. А. Слостенина. Москва. “Академия” 2004.

27. Бодавская Н. В, Реан А. А “Педагогика”-М: “Питер”, 2004.

28. Подласый И. П “Педагогика”. Учебник-М: Юрайт.-издат, 2009.

29. В. А Слостенин, И. Ф Исаев, А. И Мищенко, Е. Н. Шиянов М: “Школьная пресса”. 2004

30. Пронина Е, Н, Лукашевич В. В “Психология и педагогика ”. Учебник для студентов вузов-М6 Елит:, 2004.

31. Беспалько В. П “Слагаемые педагогической технологии” М: “Педагогика” 2000

32. Бордовская Н. В, Реан А. А “Педагогика” Учебник для вузов Санкт-Петербург “Питер” 2000.

33. Вульфсон Б Ф “Сравнительная педагогика” М: 2003.

34. Капранова В. А “Сравнительная педагогика” М: 2004
35. Таканаев Н. Х “Чет эллар педагогикаси тарихи” Т: 2000 й
36. Соколова М. А ва бошқалар “Қиёсий педагогика” Т: 2000.
37. Холиқова А. А “Францияда педагогик фикр тараққиёти” Т: 1998 й.
38. Гафаров А. З, Югай А. Х “Педагогик амалиёт” Т: 2002 й.
39. Хўжаев Н ва бошқалар “Педагогика асослари” Т: 2003.
40. Хўжаев Н ва бошқалар “Таълим назарияси” Т: 2003 й.
41. Хўжаев Н ва бошқалар “Янги педагогик технологиялар” Т: 2000 й.
42. Зуннунов А. ва бошқалар “Педагогика тарихи” Т: “Шарқ” 2000.

VII. Ўқув қўлланмалар

43. “Замонавий таълим технологиялари: мазмуни, лойihalаштириш ва амалга ошириш. Т: 2001”
44. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш-устувор мақсадимиз” ҳамда “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Т: “Иқтисодиёт”-2010.
45. “Умумий педагогика” ўқув-услубий мажмуа. А: АндМИИ-2010.
46. Тожибоева Д, Хўжаев Н, “Иқтисодий педагогика” Т: “Фан ва технологиялар”, 2008.
47. Тожибоева Д “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т: “Фан ва технологиялар”, 2007.
48. Перегудов Л. В, Саидов М, Х “Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти” Т: 2002.Хакимова М. Ф “Замонавий иқтисодчининг шахси” Т: ТДИУ, 2007.
49. Хўжаев Н, Хасанбоев Ж “Иқтисодий педагогика” Т: ТДИУ, 2002.
50. Рахимов Б. Х “Педагогик технологияларсхемаларда” Т: “Фан ва технологиялар”. 2009.

51. Абдалова с, Мавлянов А “Мустақил таълимни ташкил этиш технологияси” Т: “Фан ва технологиялар”. 2009.
52. Бекмуродов А. Ш, Голиш Л. В “Современные технологии обучения” Т: ТГЭУ, 2009
53. Ходжиева К. Н “Проектная технология обучения в вузе” Т: ТГЭУ, 2009
54. Хўжаев Н, Мамажонов И “Янги педагогик технологиялар” маърузалар матни Т: 2004
55. Мамажонов И “Касбий таълим услубиёти” Маърузалар матни Т: 2006.
56. Йўлдошев Ж, Усмонов С “Педагогик технология асослари” Т: “Ўқитувчи” 2004.
57. Саидахмедов Н “Янги педагогик технологиялар” Т: “Молия” 2007
58. Тожибоева Д “Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси” Т: 2003 й.
59. Хўжаев Н “Педагогика асослари” Т: 2003.
60. Шуркова Н. Е “Педагогическая технология” М: 2002
61. Тожиев М, Салохутдинов Р, Баракаев М, Абдалова С “Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари” Т: 2001
62. Сонневелд Г “Ўзбекистонда касб-хунар таълими ислохотига кўмак” Т: 2001.
63. Очиллов М “Янги педагогик технологиялар” Қарши: “Насаф”: 2000

VIII. Илмий монографиялар

64. Каримова В. М “Тарғиботнинг психологик услублари”-Т: “Маънавият”, 2000.
65. Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Т: “Фан” 2005.
66. Саченчо И. П “Диагностика развития педагогического творчество учителя”, Пятигорск 2002.
67. Гулбоев Т “Янги педагогик технологияла ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш” Навоий. 2001.

68. Хошимова М. К “Педагогик технологиялар ва педагогик махорат”. Т: 2005

69. Авлиёкулов Н “Замонавий ўқитиш технологиялари” Т: 2001

IX. Номзодлик ва докторлик диссертациялари

70. Нуриддинов Б “Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий-педагогик асослари” мавзусидаги номзодлик диссертацияси. Т: 2002.

71. Чориев Р “Инженер-педагогларнинг касбий малакасини шакллантириш” мавзусидаги номзодлик диссертацияси. Т: 2005

72. Ражабова С “Касб-хунар коллежи ўқитувчисининг касбий махоратини оширишнинг ташкилий-педагогик асослари” мавзусидаги номзодлик диссертацияси. Т: 2002.

73. Мамажонов И “Бўлажак иқтисодчи-ўқитувчи кадрлар тайёрлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш” Т: 2001. диссертация

74. Зокиров И. И “Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни тадбиқ этишнинг назарий-илмий асослари” мавзусидаги номзодлик диссертацияси. Т: 2005.

75. Хайдаров О. Қ “Бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнига технологик ёндашувини тайёрлаш” мавзусидаги номзодлик диссертацияси. Қарши-2005 й.

76. Махмудов М. Х “Таълимни дидактик лойихалашнинг назарий асослари” мавзусидаги докторлик диссертацияси. Т: 2004 й.

X. Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўплами:

77. “Иқтисодий таълим самарадорлигини ошириш йўллари: назария, амалиёт, муаммолар ва истиқбол” Т: “Иқтисодиёт”-2009 й.

78. “Баркамол авлоднинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни” Т: 2010

79. “Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлари ва истиқболлари” Т: ЎзПФТИ. 2003

80. “Илғор педагогик технологиялар асосида дарс ўтиш йўллари” ўқув-услугий ишланмалар тўплами. Т: ТДИУ.2005.

XI. Газета ва журналлар

81. “Халқ сўзи” газетаси 2010 йил сонлари
82. “Туркистон” газетаси. 2010 йил сонлари
83. “Халқ таълими” журнали 2010 йил сонлари
84. “Иқтисодиёт ва таълим журнали” 2010 йил сонлари
85. “Маърифат” газетаси. 2010 йил сонлари

XII. Статистик маълумотлар тўпламлари

86. Мониторинг развития информационного-коммуникационных технологии в Узбекистане. Т: 2010
87. Статистический сборник Республика Узбекистане Т: 2010

XIII. Интернет сайтлари

88. www.ziynet.uz –ўқув адабиётлари ва дарсликлар электрон сайти.
89. www.google.ru – интернетнинг ахборот ресурс сайти.
90. www.pedagog.uz –интернетнинг педагогика маълумотлари сайти
91. www.tdiu.uz –Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети расмий сайти.
92. www.andmii.uz –Андижон Мухандислик-Иқтисодиёт Инститuti сайти.
93. www.lex.uz – Ўзбекистоннинг меъерий хужжатлари сайти.
94. www.gov.uz- Ўзбекистон ҳукумати расмий сайти.
95. www.edu.uz – интернетнинг таълимга оид маълумотлар сайти.
96. www.bilimdon.uz – ёшларнинг илмий изланишлари маълумот сайти.
97. www.de.uz – педагогика маълумотлари сайти
98. www.referat.uz – талабаларнинг мустақи ишлари маълумотлари сайти.
99. www.education.uz – таълим маълумотлари сайти.
100. www.pedagogic.uz - педагогик технологиялар сайти.